Халқ зиёлилари рўзномаси

# Маърифат

معرفت

MARIFAT

1931 йил 4 июлдан чиқа бошлаган

1992 ЙИЛ 23 ДЕКАБРЬ, ЧОРШАНБА

№ 104 (6510).
Баҳоси 1 сўм 50 тийин.

ШАНБА
ЧОР-
ШАНБА
ШАНБА

## ҚАДИМ ЙЎЛ БЎСАҒАСИДА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бошчилигидаги давлат делегацияси 15—17 декабрь кунлари расмий ташриф билан Миср Араб Республикасида бўлиб қайтди.**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Миср Араб Республикаси Президенти Муҳаммад Хусний Муборак ўртасидаги музокаралар самимий ва дўстона руҳда ўтди. Музокаралар давомида Яқин Шарқдаги ва Ўрта Осиёдаги вазият, Араб-Исроил музокаралари, собиқ Югославия ва Сомалидаги аҳвол, Миср билан Ўзбекистон муносабатларига оид масалалар муҳокама қилинди.**

**Чунончи, ҳар иккй мамлакат Президентлари «Миср билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар ва ҳамкорлик асослари тўғрисидаги шартнома»га имзо чекдилар.**

**Шунингдек, иккй мамлакат ўртасида иқтисодий ва миллий-амалий ҳамкорлик, сармоя қўйишни биргаликда муҳофаза қилиш ва рағбатлантириш, Миср ва Ўзбекистон оралиғида ҳаво қатновини ривожлантириш тўғрисидаги битимлар имзоланди. Ташриф жараёнида Президентимиз Ислом Каримовга машҳур «Ал-Азҳар» дорилфунунининг фахрий доктори унвонини топшириш тантаналари ҳам бўлиб ўтди.**

**Хулоса қилиб айтганда, ҳукумат миқёсидаги бундай алоқалар маънавий қадриятлари муштарак ҳар иккй давлат халқларини тикланаётган қадим Буюк ипак йўлига олиб чиқиши шубҳасиздир!**

## ҲАР ОЙ ИККИНЧИ ДУШАНБА

**Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги «Давлат тили тўғрисида» Қонунни амалга ошириш бўйича тил комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.**

**Йиғилишда Қонун тарғиботи ва бу ишга оид муаммолар педагогик нашрларда қандай ёритилаётгани муҳокама қилинди. Халқ таълими вазирлиги бошқармалари, ўқув-методик, илмий ташкилотлар, раҳбарлари, газета ва журналлар муҳаррирлари иштирокида ўтган мазкур йиғилишни Ўзбекистон халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Йўлдош Санджонов олиб борди.**

**Тил комиссияси йиғилишида бундан буён изчил равишда ҳар ойнинг иккинчи душанба куни кенгашиб туришга келишилди.**

## УЧ ОЙДА БИР

**Халқ таълими вазирлиги педагогик нашрлари муҳаррирлари Ўзбекистон халқ таълими вазири ўринбосари Баҳром Қодиров билан учрашдилар. Учрашувда педагогик нашрларнинг моддий аҳволини яхшилаш, журналистларга самарали ижод учун кенг имкониятлар яратиб бериш, нашрлар мазмунини янгиланаётган замон талаблари даражасига кўтариш масалалари муҳокама қилинди. Ана шу масалалар юзасидан газета ва журналлар муҳаррирлари, вазирлик бошқарма бошлиқлари, илмий-методик даргоҳлар вакиллари сўзга чиқишди.**

**Фойдали мулоҳазаларга бой бундай учрашувлар келгусида уч ойда бир марта ўтказиб турилади.**





БУГУНГИ НУКУС.

## Нукус шаҳри—60 ёшда

**Бир ҳақиқатни ҳеч ким унутмаслиги керак: Ўзбекистон тақдири — Бу Қорақалпоғистоннинг ҳам тақдиридир. Ўзбек халқининг келажаги — қорақалпоқ халқининг ҳам келажагидир.**

(Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Нукус шаҳрининг 60 йиллигига бағишланган тантаналарда сўзлаган нутқидан).

### *Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони*

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ НУКУС ШАҲРИНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Хўжалик ва маданий қурилиш соҳасида эришган муваффақиятлари, намунали ободончилик ишлари ҳамда ташкил этилганига 60 йил тўлиши муносабати билан Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус шаҳри Ўзбекистон Республикасининг **Фахрий ёрлиғи** билан мукофотлансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1992 йил 12 декабрь.

## СОҲИЛ БЎЙИДАГИ ҚАЛЪА

18 декабрь куни Қорақалпоғистон Республикаси пойтахти — Нукус шаҳри 60 ёшга тўлди. Шу кундан бошлаб Амударёнинг ўнг этагидаги қалъада катта тантаналар бўлиб ўтди.

Тантаналарда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов бошлиқ делегация, вилоятлар ҳокимлари, қўшни Туркманистон ва Қозоғистон республикалари вилоятларидан келган меҳмонлар, Қорақалпоғистон маорифчилари, хусусан, Нукус шаҳар халқ таълими ходимлари фаол қатнашдилар. Ҳар қачонгидек бунда ҳам изланувчан муаллимларимиз ташкилотчилик қобилиятларини намоён этдилар.

Янгиланиш даври маърифатчилар олдига қатор талабларни қўймоқда. Тантаналар давом этаётган кунларда шу хусусда бироз тўхталиш мақсадга лойиқ бўлади, деб ўйлайман. Замон талабларидан келиб чиқиб республикада ўқувчи ва ўқитувчиларнинг ижодкорлиги ва ташаббускорлигини ўстириш, тажриба тариқасидаги педагогик фаолиятини шакллантириш борасида изланишлар, Нукус шаҳрида коллеж ва лицей типидаги мактабларни яратиш устида кенг кўламли ишлар олиб бориляпти. Мисол тариқасида Нукус давлат дорилфунуни қошида фаолият кўрсатаётган аниқ фанлар чуқур ўргатиладиган мактаб-интернат, эстетик тарбияга ихтисослашган шаҳар умумтаълим мактабларини айтиб ўтиш ўринлидир.

Амударё этакларида макон қурган халқларнинг анъана, удумларини, унинг маданий меросини чуқур билишда, ҳозирги замон кишисининг маънавий қиёфасини шакллантиришда ижтимоий фанларнинг аҳамияти чексиздир. Шу мақсадлар учун шаҳар мактабларида ўқувчиларга она тили, рус ва чет тиллари ҳамда ижтимоий фанлар чуқур ўргатиладиган махсус синфларни кўпайтириш кўзда тутилаётир.

Ўқитувчилик касби инсондан доимий изланишни, олижанобликни, болаларни чинакамига севишни, касбига эътиқодлиликни талаб этади. Қувончли дақиқаларда ушбу талабларни ўзида мужассам этган нукуслик ижодкор ўқитувчилардан Р. Уснатдинова, С. Аметов, Н. Егорова, П. Қутлимуротова, Қ. Султоноваларни, шу қаторда Тошкент шаҳрида ўтказилган муаллимларнинг «Ўқитувчи—92» кўрик-танловида учинчи ўринни эгаллаган Кўнғирот шаҳридаги Киров номли ўрта мактабнинг риёзиёт фани ўқитувчиси Қ. Успанов ҳамда ушбу беллашувда муваффақиятли иштирок этган Чимбой районидаги Бекимбетов номли ўрта мактабнинг она тили (қорақалпоқ) ва адабиёт фани муаллими, ёш ўқитувчи К. Юсуповларни фахрланиш туйғуси билан тилга оламан.

Илғор ўқитувчилар ўз касбининг устаси бўлиш билан бирга, улар оз бўлса-да, санъат соҳасидан хабардорлар. Бундай ўзига хосликнинг сабабларидан бири шуки, Қорақалпоғистон халқларининг миллий куй-қўшиқлари оҳангдорлиги, таъсирчанлиги билан киши қалбини тезда ром этади. Шунинг учун Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги шаҳар илм масканлари билан музей, театр, ижодий уюшмалар ўртасидаги ҳамкорликни йўлга қўйиш борасида бир қанча тадбирларни амалга оширди. Бу ҳамкорлик пойтахт юбилейига бағишланган тантаналарда жуда асқотди.

Хуллас, Қорақалпоғистон маорифчилари соҳил бўйидаги қалъа — Нукус шаҳри юбилейини ўзларининг муносиб меҳнат натижалари билан кутиб олдилар...

**Т. ОТАМУРОТОВ,**
**Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири.**

### *Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Кўп йиллик ҳалол меҳнати, илм-фанни ривожлантиришдаги ва юқори малакали мутахассислар тайёрлашдаги хизматлари, жамоат турмушида фаол қатнашганлари учун қуйидагиларга Ўзбекистон Республикасининг фахрий ўнвонлари берилсин:

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ХАЛҚ МАОРИФИ ХОДИМИ»**

**Абдулраззоқов** Эркин Мажидович — Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг профессори

**Жамолов** Салоҳиддин — Наманган давлат университетининг кафедра мудири

**Корабельников** Ростислав Васильевич — Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг проректори

**Мавлявиев** Марс Рауфович— Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти сиртқи факультетининг декани

**Мардонов** Ботиржон — Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг кафедра мудири

**Маърупов** Махсум — Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг профессори

**Минавваров** Абдурашид Қаҳҳорович — Наманган давлат университетининг доценти

**Нўъмонов** Турсунбой — Наманган давлат университетининг доценти

**Раҳимов** Абдулла — Наманган давлат университетининг проректори

**Юнусов** Латиф — Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг кафедра мудири

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЭКОНОМИСТ»**

**Каттахўжаев** Мансур Маърупович — Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг профессори

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЕШЛАР МУРАББИИСИ»**

**Алимбоев** Ёрқин Шарипович — Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг кафедра мудири

**Бобохўжаев** Нуриддин — Наманган давлат университетининг доценти

**Бурнашев** Ренат Зарифович — Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг кафедра мудири

**Жалолов** Осимжон — Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг доценти, кафедра мудири

**Иброҳимов** Маматхон — Наманган давлат университетининг доценти

**Носиров** Одилжон — Наманган давлат университетининг профессори

**Собитов** Эркин — Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг кафедра мудири

**Терновская** Мария Ивановна — Наманган давлат университетининг катта ўқитувчиси

**Шукуров** Мухтор Маҳмутович — Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг кафедра мудири

**Эркашев** Карим — Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг профессори

**ҚУЙИДАГИЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАНСИН:**

**Абдураҳимова** Инобат Турсуновна — Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг доценти

**Абдураҳмонов** Абдулазиз Наманган давлат университетининг кафедра мудири

**Абдураҳмонов** Абдурашид — Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти Андижон бўлимининг директори

**Азимов** Бобожон Азимович — Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг доценти

**Амзаев** Леннор Аблаевич — Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти факультетининг декани

**Ғайбуллаев** Файзулло — Наманган давлат университетининг доценти

**Иброҳимов** Мунир Ҳасанович — Наманган давлат университетининг доценти

**Иброҳимов** Ризқимбой — Наманган давлат университетининг кафедра мудири

**Комилова** Холида Ҳафизовна — Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг кафедра мудири

**Маллабоев** Турсунбой Нурматович — Наманган давлат университети факультетининг декани

**Маҳкамов** Руфат Ғуломович — Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг кафедра мудири

**Муҳамедов** Маҳмуд — Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг кафедра мудири

**Сирожиддинов** Икромиддин Қутбиддинович — Наманган давлат университетининг кафедра мудири

**Одилов** Кабир Қодирович — Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг катта ўқитувчиси

**Парпиев** Азимжон — Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг проректори

**Садриддинов** Нажмиддин — Наманган давлат университетининг кафедра мудири

**Сулаймонов** Ҳабибулло— Наманган давлат университетининг профессори

**Турсунов** Ҳамидулла Қўчқорович — Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг ўқув қисми бошлиғи

**Тўхтабоев** Сотиболди Турсунович — Наманган давлат университети факультетининг декани

**Ҳамидова** Турсун Абдулҳакимовна — Наманган давлат университети рус ва чет эл адабиёти кафедрасининг мудири

**Юсупов** Иброҳимжон Юнусович — Наманган давлат университетининг кафедра мудири

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1992 йил 14 декабрь.

БОШ ҚОНУН — ИСТИҚБОЛ ГАРОВИ

## ҚОМУСИМИЗ—НОМУСИМИЗ

Қувончдан қалбим қалқиб кетди. Кўксим тоғ, кўнглим боғ бўлди. Она диёрим — Ўзбекистонимнинг асосий қонуни — Конституцияси қабул этилди. Бу адолат, ҳақиқат, каломидир, муқаддас сўзимиздир. Бу ўзбеклигимиз, ўзлигимиздир, бу ҳақ-ҳуқуқимиз, ҳурриятимиз, озодлигимиз, мустақиллигимиздир.

Қомусимиз — номусимиз. Инсон ўз номусини кўз қорачиғидай асрагани сингари, биз ўз қонунимизга ҳам ана шундай инсоний муносабатда бўлишимиз, унга қатъий амал қилишимиз ҳам фарз, ҳам қарздир. Дарвоқе, муҳокама қилиниб, умумхалқ назаридан ўтган ҳужжат, қоидага, расм-русумга кўра, ҳеч қачон муҳокама этилмайди, у ижро этиш учун қабул қилинади.

Саодатли байрамларимиз сафига яна бир ёрқин кун — 8 декабрь умумхалқ байрами сифатида зарҳал ҳарфлар билан битилди. Бу толе билан юртдошларимни сўз усталари номидан дил-дилдан қутлайман.

Ўз сўзимиз — тилимизга, ўз эътиқод динимизга, ўз тақдиримиз, тарихимизга, ўз туғимиз — байроғимизга, қутлуғ тамғамизга эга бўлган эдик. Бугунги кунда ўзимизнинг Шоҳ қўшиғимиз — бош ашуламиз ҳам бунёд бўлди. Аллома шоиримиз Абдулла Орипов билан етук бастакоримиз Мутал Бурҳоновларнинг қўшюрак бўлиб ижодий ҳамкорликда яратган мустақил Ўзбекистонимизнинг биринчи Мадҳияси ўзбек халқи сиёсий, маданий ҳаётда унутилмас воқеадир.

Шу эҳтиросли дақиқаларда Президентимиз Ислом Каримов умумхалқ сайловидан сўнг муқаддас китобимиз — Қуръони Каримни ва Асосий қонунимиз — Конституциямизни ёнма-ён қўйиб, уларни ҳам қўллари, ҳам қалблари билан ушлаб, ўзбек халқи бахт-саодати, тинчлиги, омонлиги ва мустақиллиги учун қасамёд этганликлари яна бир бор кўз ўнгимда намоён бўлди.

Дарҳақиқат, муқаддас орзуларимиз бирин-кетин ушалмоқда. Бош қонун қабул қилиниши билан истиқлол имратининг мустаҳкам пойдевори қўйилди. Демакки, тиклаётган кошонамиз қиёфаси ҳам кўркам ва боқий бўлиши, шубҳасиздир!

**Нормурод НАРЗУЛЛАЕВ.**

## МУҲИМ ЙИҒИН

**Яқинда республика ўқув методика маркази негизида Республика халқ таълими тизимидаги барча ўқув муассасаларида чет тилларини ўқитиш ва уни методик томонидан такомиллаштиришга бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Мазкур анжуманда Ўзбекистон Республикаси президенти ҳузуридаги вазирлар маҳкамаси раисининг ўринбосари М. Қорабоев, республика халқ таълими вазири Ж. Йўлдошев, китоб савдоси ва матбаа давлат қўмитаси раиси Р. Шоғуломов, халқ таълими вазирининг муовинлари М. Қурбонов, Ҳ. Йўлдошев, «Ўқитувчи» нашриётининг директори О. Мирзаев, Халқ таълими вазирлиги қошидаги чет тилларни ўқитиш бўйича илмий методик кенгаш аъзолари ва республикамизнинг чет тили бўйича кўзга кўринган мутахассислари иштирок этдилар.**

**Йиғинда халқ таълими вазири Ж. Йўлдошев, республикамизда чет тилларини ўқитиш борасида олим, педагог ва ўқитувчилар олдида турган муаммоларга ҳамда чет тилини ўқитишни такомиллаштириш масалаларига тўхталиб ўтди.**

**Ўзбекистон Республикаси президенти ҳузуридаги вазирлар маҳкамаси раисининг ўринбосари М. Қорабоев республикамиз олимлари ва педагоглар эътиборини чет тилларни ўқитишни такомиллаштиришга янги оригинал дарсликлар ўқув-методик адабиётлар яратишга қаратди.**

**Ш. ЁҚУБОВ.**

ШАРҚНИНГ УЛУҒ МУТАФАККИРЛАРИ МЕРОСИДА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ МАСАЛАЛАРИ МАВЗУИДА ЖУМҲУРИЯТ ИЛМИЙ АНЖУМАНИ ОЛДИДАН

## МАЪНАВИЯТИМИЗ САРЧАШМАЛАРИ

Ўзбекистон президенти И. А. Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» китобида давлатимиз ва жамиятимизнинг равнақи йўлидаги маънавий бойлигимизнинг ўрни ва роли аниқ ҳамда батафсил белгилаб берилган. Маънавият она сути, оталар намунаси ва аждодлар ўгити асосидагина шакланади. Аммо булар ўзўзича бўладиган ҳодисалар эмас. Бунинг учун жуда катта куч сарфланмоғи, том маънодаги катта ва ижодий меҳнат қилинмоғи лозим.

Маънавий баркамоллик жамиятнинг ҳар бир аъзоси учун муҳим. Аммо ўқитувчи шахсининг маънавияти жамият учун айниқса зарурдир. Зеро, у халқнинг маънавий қамда ахлоқий қадриятларининг фаол тарғиботчисидир. Халқ орасида асрлар давомида шаклланган илмий-маданий, бадиий-эстетик қадриятлар ўқитувчи орқалигина болаларга етказилади. Болаларимиз шу мўътабар қадриятларимизни ардоқлашни ўқитувчидан ўрганади.

Афсуски, бизда ўқитувчилик фаолияти кўп йиллар давомида миллий анъаналар заминидан узилган ҳолда амалга ошириб келинди. Бунинг оқибатини эса кўриб турибмиз: фарзандларимиз ўтмишда яратилган нодир дурдоналаримиздан бехабар, миллий қадриятларга бепарволик, миллий ифтихор туйғуларининг пасайиб кетганлиги ва бошқалар ана шу қаракатларнинг заччиқ мевасидир.

Ўзбекистон мустақиллик йўлига ўтди. Мустақил Ўзбекистонимизга эркин ва ижодий фикрлай оладиган маънавий баркамол қадрлар керак. Ана шу мақсадни, албатта, ўқитувчиларсиз амалга ошириб бўлмайди. Ўқитувчи шахсини камолга етказиш эса оғир ва мураккаб жараён. Шу жараённинг узвий қисмларидан бири Шарқнинг машҳур мутафаккирлари ҳаёти ва ижодини, улар қолдирган бой илмий-маданий меросини атрофлича ўрганиш, уни ташвиқ ва тарғиб қилишдан иборат. Педагогика билим юртлари: институт ва университетларининг талабалари, мактаб ўқувчилари Шарқ алломаларининг ижодлари билан мутлақо таниш эмас, ёки улар ижодини жуда юзаки билишади. Афсуски, бу фикр фақат талабаларга, ўқувчиларга эмас, жуда кўплаб ўқитувчиларга, ҳатто олий ўқув юртларидаги педагоглларга ҳам таалуқлидир. Ал Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Райхон Беруний, Ибн Сино, Маҳмуд Қошғарий, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Мунис Хоразмий сингари мутафаккирларимизнинг педагогик қарашлари то ҳануз кенг ёйилган эмас. Ваҳоланки, уларнинг бой меросларида жамиятимиз аъзоларига маънавий озиқ бўла оладиган улкан хазиналар яшириниб ётибди. Ахир улар кишилик жамиятининг илк болалик ва ўсмирлик даврининг нозик нуқтадонлари, руҳшунослари, алломалари, маърифатчилари, Шарқ кишиси ички оламининг ҳассос билимдонлари бўлишган. Уларнинг тажрибаси биз учун тайёр дастурдир.

(Давоми 2-бетда).

## БУЛБУЛ МАКОНИНИ УНУТМАС

Бундай сарлавҳа қўйишимизга сабаб Тошкент Давлат Университети журналистика факультети мустақил иш бошлаганига бу йил 25 йил тўлди. Чорак асрки, факультет қалбида юрт меҳри, тилида эл каломи мужассам ёшларни радио, телевидение ва вақтли матбуот нашрларига учирма қилиб келмоқда. Булбул маконини унутмас, деганларидек илк хабари чоп этилганидан қанот боғлаб учиб юрган полопон қаламкашдан тортиб, эл-юрт меҳрига сазовор таниқли журналистларгача — барча сўз усталари ўтган шанба куни журналистика факультетига ташриф буюришди.

Факультетининг чорак асрлик тантанаси ТошДУ ва Ўзбекистон журналистлар уюшмасининг «Мустақил жумҳурият журналистикаси муаммолари» мавзуидаги илмий-назарий конференцияси билан бошланди.

Конференцияни ТошДУ ректори, ЎзФА академиги Т. Жўраев кириш сўзи билан очди.

Москва Давлат университети журналистика факультети декани Я. Зазурский, ТошДУ журналистика факультети декани С. Умиров, факультет кафедра мудири Б. Дўстқораев, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталиги бош муҳаррири А. Мелибоев, тарих фанлари доктори Р. Овсепяннинг мустақиллик ва матбуот, журналистларнинг ҳаётимиздаги ўрни ҳамда вазифалари хусусидаги маърузалари тингланди.

Бир пиёла чой устидаги суҳбат янада жўшқин ва самимий ўтди. Собиқ шогирдлар Усмон Азим, Азим Суюн, Мирзо Кенжабек ва бошқалар қутлов сўзлари айтдилар, куй ва ашулалар янгради, талабалар топқирлик ва ҳозиржавоблик санъатини намойиш этишди. Аммо ҳамма талабгорларга сўз тегмади, бунинг иложи ҳам йўқ эди. Фақат бир имконият бор эди — дилдан қувнаб, юракдан севиниш. Бу ҳаммага, жумладан, қутлуғ макон фарзандлари «Маърифат»чиларга ҳам насиб этди.

Чорак асрлик тўйинг муборак бўлсин, қадрдон факультетимиз!

Ўз мухбиримиз.

*Америка—Ўзбекистон*

# ДЎСТОНА ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДА

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинганги унинг барча соҳада дадил тараққий этиши учун мустаҳкам пойдевор яратди. II Тошкент давлат тиббиёт институти билан АҚШнинг Чикаго ва Сиэтл шаҳарларидаги даволаш муассасалари ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги меморандумнинг имзоланиши ҳам истиқлол йўлидан одимлаётган жумҳуриятимиз халқи соғлиғини сақлаш борасида янги саҳифалар очади.

Бундай шартнома АҚШнинг Чикаго ва Сиэтл шаҳарлари билан Тошкент шаҳри вакиллари томонидан имзоланиб, у узоқ муддатга мўлжалланган ва биргаликдаги ҳамкорликни самарали ривожлантиришга йўналтирилгандир. Ўзбекистонда ҳамда Сиэтл ва Чикаго шаҳарларида тиббий санитария хизмати даражасини яхшилаш, унинг сифати ва характерининга эмас, шунингдек, соғлиқни сақлаш муассасаларини бошқариш, тиббий хизмат кўрсатиш тизими ва шифокорлар билим — малакасини ошириш тизимини бошқаришни яхшилаш ҳам бундай дўстона, беғараз ҳамкорликнинг асосий мақсадларидан.

— Шу йил ёзда соғлиқни сақлаш бўйича халқаро Америка иттифоқининг (АМСЗ) бир гуруҳ мутахассислари жумҳуриятимизга ташриф буюриб, қатор шифохоналарда бўлишди, — дейди II Тошкент давлат тиббиёт институти ректори, Ўзбекистон тиббиёт олий билимгоҳлари ректорлари кенгашининг раиси ҲАМИД ЕҚУБОВИЧ КАРИМОВ. — Улар Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларида бўлишиб, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам кўрсатиш учун бизнинг республикамизни — институтимиз клиникасини маъқул кўришди. Клиника тиббиёт институтининг муҳим базаси ҳисобланади. Бу ерда икки ярим мингдан зиёд беморга мўлжалланган ўрин мавжуд. Турли фан кафедраларида тиббиётчи олимларимиз ўз билимларини бўлғуси шифокорларга қунт билан ўргатмоқдалар. Институт клиникаси кўплаб замонавий асбоб-ускуналар, жиҳозлар билан таъминланган. Клиника яхши бўлса, талабалар пухта билим оладилар, борган иш жойларида амалиётга муваффақиятли татбиқ этадилар. Бу, айниқса, вилоятлардан келиб институтимизда малака ошираётган шифокорлар учун ҳам муҳим тажриба ўчоғи ҳисобланади.

Делегация аъзолари бўлган америкалик мутахассисларнинг барчаси ўз касбини чуқур эгаллаган, билимдон кишилар экан. Уларнинг тиббиёт институти клиникаси ишини янада ривожлантиришга салмоқли ёрдам беришлари шубҳасиз, деб ўйлайман.

Шартномага биноан, биз болалар касалликларининг олдини олиш бўйича ҳам ҳамкорлик қиламиз. Республикамизда болалар ўлимининг юқорилиги бугунги кунда ҳеч кимга сир эмас. Клиникамизнинг болалар бўлимида 300 дан ортиқ бемор ўрни бор. Бўлимда даволанаётган беморларни зарур камёб дори-дармонлар билан таъминлашга, уларга намунали тиббий хизмат кўрсатишга астойдил ҳаракат қилиняпти. Эндиликда америкача усуллар билан ҳам даволаш жорий этилса, натижа янада яхши бўлади.

Ҳамкорлигимизнинг яна бир йўналиши — ўрта тиббий ҳамширалар билан ишлаш, уларнинг малакасини оширишдир. Томонлар бир-бирларига мутахассислар юбориб, бу соҳага оид маърузалар ўқишади, амалий машғулотлар ўтишади, ўқув-методик қўлланмалар билан таъминлашади. Чикаго шаҳридаги тиббиёт коллежларида ҳамширалар тайёрлаш ишлари яхши йўлга қўйилган экан. Бизда эса ўрта тиббий ҳамширалар малакаси жуда паст бўлгани сабабли ҳамкорликнинг бу йўналиши ҳам жуда муҳимдир.

Дорихоналар ишини ўрганиш учинчи йўналишдаги ҳамкорлик. Бу борада мутахассислар дорихона шароитида дори тайёрлашнинг турли хил йўлларини ўргатишади, дорихона ишини компьютерлаштиришда ёрдам беришади, дори-дармон тайёрлайдиган асбоб-ускуналарни беришади.

Жарроҳликнинг баъзи соҳалари бўйича ҳам ҳамкорлик қилиш режалари тузилди. Ҳамкорлик қилиш юзасидан тадбирларни ўтказиш ҳаражатларининг бир қисмини соғлиқни сақлаш бўйича халқаро Америка иттифоқи тўлайдиган бўлди.

II Тошкент давлат тиббиёт институти раҳбарияти ва ўқитувчилари, унинг клиникаси жамоаси биргаликда бундай ҳамкорлик ўзлари учун нечоғли фойдали ва зарур эканини чуқур ҳис қилган ҳолда унинг яхши самаралар бериши йўлида куч-ғайратларини аямайдилар.

**Доктор ДАРМАКУРИ ВИДИСИГАР, Чикаго шаҳри Иллинойс штати университетининг неонатология бўлими мудири, ҳамкорлик қидиш лойиҳасининг директори:**

Америка ҳукумати раҳбари ва давлат секретари Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларида бўлишганида, у ерда соғлиқни сақлаш борасида ёрдам олиш ниятлари борлигини изҳор қилишганди. Соғлиқни сақлаш бўйича халқаро Америка иттифоқи директори II Тошкент тиббиёт институти клиникасини ҳамкорлик учун маъқул кўрди. Чунки бу клиникада беморларни даволаш, уларга тиббий ёрдам кўрсатиш етарли даражада деб ҳисобланди. Даволаш соҳалари ҳам етарли, мутахассислар малакали экан. Оналар ва болалар ўлими Америкага таққослаганда юқори бўлгани туфайли бу соҳани кескин ривожлантириш лозим. Биз институтда намунали тиббий марказ тузишга аҳд қилганмиз. Ҳаракатларимизнинг натижаси томонлар ғайрат-шижоатига, Ўзбекистон Республикаси ҳукуматига боғлиқ, албатта.

**ЮЛДУЗ ҚОСИМОВА, профессор, 1-акушерлик ва гинекология кафедрасининг мудири, клиника директори:**

Ҳаёт ташвишлари, иқлим шароити, экологик нобопликлар хотин-қизларимиз соғлиғига салбий таъсир кўрсатяпти. Ўзбекистонда ҳар йили ўрта ҳисобда 700 минг аёл фарзанд кўради. Афсуски, уларнинг 500 нафарга яқини турли касалликлар туфайли нобуд бўлишяпти. Туғилган чақалоқларнинг ҳаммаси ҳам оилага хурсандчилик олиб келяпти, деб бўлмайди. Ахир, касал онадан касал бола туғилади-да. Дунёга келаётган 50—60 фоиз бола товушсиз, йиғламай туғиляпти. Бу чақалоқлар асфиксация — тирилтириш муолажаси билан ҳаётга қайтариляпти. Жумҳуриятимиздаги мавжуд туғуруқхоналарнинг барчасида реанимация бўлимларини ташкил этиш лозим деб ўйлайман.

Хуллас, бу борада муаммолар жуда кўпдирки, ҳамкорлик қилишга аҳд қилган ҳамкасбларимиз билан уларни ҳал этишнинг илмий-амалий йўлларини белгилаяпмиз.

Америкалик мутахассислар клиниканинг туғуруқ бўлими, жарроҳлик ва жонлантириш бўлимлари, чақалоқлар бўлими иши билан яқиндан танишдилар. Келгусида улар бўлимга оид зарур тиббий асбобларни сотиб олишни таклиф этишади, шифокор ва ҳамшираларга маърузалар ўқишади, амалий машғулотлар ўтишади.

Тиббиёт соҳасида ўзаро ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги меморандум имзоланишига бағишланган тантанали йиғилишда АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси консули Бабус хоним ҳам иштирок этиб, бундай хайрли режаларнинг амалга ошишига ишонч билдирди.

Ҳамкорлик қилиш меморандумини II тиббиёт олий билимгоҳи номидан институт ректори Ҳамид Каримов, соғлиқни сақлаш бўйича халқаро Америка иттифоқи номидан мазкур иттифоқ директори жаноб Кёртис Свийзи имзоладилар.

З. ТЎЛАГАНОВА.

## НАТИЖА ЧАККИ ЭМАС

Янгиланиш шарофати, давр тақозоси мактабларда, хусусан, ўқитувчи ва тарбиячилар олдида ҳам таълимнинг янги-янги усулларидан фойдаланишни тақозо этмоқда. Жумҳуриятимизнинг кўпминг сонли муаллимлари давр билан ҳамоҳанг бўлган ҳолда бу масалани тўғри талқин этиб, ўз ишларини қайта қуриб олдилар, дарс беришнинг янгича усулларидан фойдаланиб, амалда қўллаб келмоқдалар.

Ана шундай илғор тажрибали ўқитувчилардан бири А. Икромов районидаги 116-мактабнинг бошланғич синф муаллимаси Маъсуда Мирдадаевадир.

Дарҳақиқат, бир соатлик дарсни йирик бир асарга қиёслашади. М. Мирдадаева ҳам ўз тажрибаларидан келиб чиқиб 4-синф ўқувчиларига математикадан ўтган очиқ дарси кўпчиликда катта таассурот қолдирди.

— Мактабимизда турли фанлар бўйича тез-тез очиқ дарслар бўлиб туради, — дейди илмий бўлим мудир Хадича Убайдуллаева.— Бундан кўзлаган мақсадимиз шуки, аввало, ўқитувчининг ўз устида ишлашини кузатиш бўлса, иккинчидан, самарадорликни оширишдир.

Тан олиш керак, натижалар ёмон бўлмаяпти. Эндиликда очиқ ва намунавий дарслар туфайли ўқитувчиларда ҳам, ўқувчиларда ҳам масъулият анчагина сезиларли бўлиб, умумий кўрсаткич эса кўнгилдагидай.

Маъсуда Мирдадаева ўз касбини севиши, танлаган мутахассислигини эъзозлаши, қолаверса, ўқувчиларга таълим бериш олдида турган биринчи галдаги вазифаси эканлигини ҳам ана шу бир соатлик очиқ дарсда кўрсатиб бера олди.

Нима ҳам дейиш мумкин? Вазифамиз келажакка ёш авлодни тўғри тарбиялаб, ҳақиқий инсонларни етиштириш экан, бунинг учун Маъсуда Мирдадаева каби жонкуяр педагоглар орамизда янада кўпайишини истардик. Ана шундагина кўзланган мақсадга эришсабўлади.

СУРАТЛАРДА: М. Мирдадаева дарс ўтаётган пайтдан лавҳалар.

А. ТУРАЕВ олган тасвир.

## ЮЗ БОР ЭШИТГАНДАН...

Шу найтгача республика халқ таълими вазирлиги, РЎММ томонидан ўтказилаётган катта-кичик тадбирлар асосан ўқитиш ва ўқишнинг назарий жиҳатлари хусусида бўларди. Бу галги «Педагогик амалиётни ташкил этиш ва такомиллаштириш» мавзусида ўтказилган республика семинар-кенгаши олий ва ўрта педагогика ўқув юртлари талабаларининг олган назарий билимларини бевосита амалиётда синаб кўриш масалаларини атрофлича муҳокама этди.

Талабаларни мактаб, болалар боғчаларида амалий машғулотлар олиб боришга тайёрлайдиган мутахассислар сўзга чиқишиб, ҳар бири бу борада ўзига хос ёндашувни жорий этганлигини уқтиришди. Вилоятлардан келган семинар-кенгаш қатнашчилари «Педагогика институтлари педагогик амалиётчилари», «Педагогика билим юртлари ва саноат педагогика техникумлари амалиётчилари» шўъбаларига бўлинишиб, мазкур масала юзасидан ўзаро фикр ва тажрибаларини алмашишди.

А. РАҲИМОВ.

## МАЪНАВИЯТИМИЗ САРЧАШМАЛАРИ

(Боши 1-бетда).

Улар ижодини чуқурроқ ўрганган сари, уларнинг илмий-маърифий, адабий-маънавий олами ичига кириб борган сари имон келтирасанки, халқ ҳаётининг барча жиҳатларини нозик даражада илғаб, миллий анъаналар кучига етарли баҳо берибгина мактабларимизда туб ижодий ўзгаришлар қилишимиз, шундагина миллий мактабнинг ўзимиз ўйлаган қаддини тиклай олишимиз мумкин.

Жонли мактаб ҳаётини фақат ўзгалар тажрибасидагина йўлга қўйиш мумкин эмас. Шу пайтгача ҳали бирорта ҳам буюк кашфиётларнинг фақат тақлидчиликкагина таянган ҳолда рўй берганлиги ҳам маълум эмас. Зеро, ҳар қандай тажриба ва кашфиёт муайян макон ва замонга, муайян муҳит ва тарихий-ижтимоий шароитга чамбарчас боғлиқдир. Ижтимоий ҳаётда эса бу ҳол халқ ҳаётига, унинг ижтимоий-тарихий тараққиёт даражасига узвий боғланиб кетади.

Ўзбеклар қадим тарихга ва бой маданиятга эга бўлган халқ. Ҳозирги Ўзбекистонимизнинг ўз талаблари ва руҳи бор. Агар биз миллий мактаб яратмоқчи эканмиз, жаҳон илм-фани ютуқларини инкор этмаган ҳолда, ўз тарихимизни асос қилиб олмоғимиз, тарихан шаклланган миллий анъаналар ва миллий руҳиятга, маънавиятга таянибгина иш кўрмоғимиз шарт.

Ўзбекистон мустақиллик йўлига қадам қўйиши биланоқ Республикамиз ҳукумати айниқса Президентимиз Ислом Каримов ўз эътиборини дастлаб мактабларга қаратганликлари бежиз эмас. Таълим ҳақидаги янги Қонун ана шу эътибор натижаси бўлди. У мактабларимиз, таълим тизимимизга қўйиладиган талаб ва мақсадларни белгилаб берди.

Ҳар ҳолда мактабларимиз олдида ниҳоятда жиддий бўлган вазифаларнинг кўндаланг турганлиги аниқ. Улар орасида ёш авлодга жамиятимизнинг ҳозирги даражасига муносиб ва мос бўлган таълим ва тарбия алоҳида ўрин тутади. Биз шунга эришмоғимиз лозимки, фарзандларимиз улуғ мутафаккирларимиз ижодидан имконият қадар кўпроқ баҳраманд бўлишсин. Уларнинг асарларида мавжуд бўлган чуқур илмий-назарий хулосалар ва ахлоқий таълимий ўгитлар ўқувчи ва талабаларимизнинг, йигит ва қизларимизнинг, фарзандларимизнинг юрак тўрларидан ўрин олсин, уларнинг илмий-маърифий ва ахлоқий-маънавий камолотга эришувларига тегишли ҳисса қўшсин. Мен яна бир марта таассуф билан айтаманки, Шарқнинг буюк мутафаккирлари ҳали ҳар бир ўзбек хонадонига тўла кириб борганларича йўқ. Бу соҳада биз олий ўқув юртларининг мутахассислари фаоллик кўрсатганимиз йўқ. Ваҳоланки, ўтмишдаги мутафаккирларимизнинг бой илмий фалсафий қамда бадиий меросигина эмас, уларнинг шахсий ҳаёт тарзлари ҳам ниҳоятда катта тажриба ва ўрганиш мактабидир. Ибн Сино ёки Беруний нинг таржимаи ҳоли нақадар мураккаб эканлиги, ҳаёт уларни эркалаб қўймаганлиги, аксинча, ниҳоятда қийин ижтимоий тарихий шароитда яшашларига қарамай ўз халқларининг нуфуз ва обрўсини оширадиган кўплаб асарлар яратганлиги фикримизнинг далилидир. Ёки Маҳмуд Қошғарийни эслайлик, Ватан олдидаги бурч, ўз халқига садоқат билан хизмат қилиш, юксак фидойилик туйғуси уни Қашқардан Каспий денгизи бўйларигача, Бағдоддан Фрғонагача бўлган ҳудудларни деярли пою пиёда кезиб чиқишга мажбур қилган эди. Ана шундай кезиб чиқиш, оғир машаққатларни бўйнига олиш эвазига дунёга машҳур бўлган «Девони луғотит турк» майдонга келди. Бу мисоллар буюк мутафаккирларнинг ҳаёт тарзларининг ўзидагина қанчалик ибрат мактаби мужассам бўлганини яна бир марта кўрсатиб турибди. Уларнинг педагогик қарашлари эса деярли очилмаган қўриқ бўлиб турибди. Албатта, Шарқ мутафаккирларининг педагогик қарашлари ҳозиргача кенг ўрганилмаганлигига кўплаб сабабларни келтириш мумкин. Аммо ҳозир гап улар ижодининг ўрганилмаслик сабабларини қидиришда эмас, балки улар қолдирган улкан мероснинг энг яхши жиҳатларини ҳаётга олиб киришда, улардан ўз ишимизда унумли ва ижодий фойдаланишдадир.

Ўтган ўқув йилининг охирида институтимизда доим амал қиладиган «Шарқ мутафаккирлари ижодида таълим-тарбия муаммолари» дейиладиган семинар ташкил этилди. Ҳозиргача шу семинарнинг бир неча машғулотлари бўлиб ўтди. «Ҳадислар маънавият манбаи», «Юсуф Хос Ҳожибнинг ахлоқий-таълимий ўгитлари», «Абу Райҳон Беруний инсоф ва зийнат ҳақида», «Ибн Синонинг инсонпарварлик ва маърифий қарашлари» каби мавзулар кўпчиликда жуда катта таассурот уйғотди. Уларни институтимизнинг етакчи олимлари, йирик профессорлари, кўзга кўринган мутахассислари олиб боришяпти. Булар орасида профессорлар Комилжон Ҳошимов, Сайдамин Аҳмедов, филология фанлари доктори Боқижон Тўхлиев, доцентлар Зумрад Нуриддинова, Ойниса Мусурмоновалар бор. Биз бу семинар фаолиятини кенгайтиришни режалаштирямиз. Унинг навбатдаги машғулотларига Ўзбекистоннинг йирик олимларини жалб этишниятидамиз. Бу ҳақда академик М. Хайруллаев, Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси А. Қаюмов ва бошқалар билан маслаҳатлашиб олдик.

Битта нарса жуда аён бўлдики, ушбу семинар машғулотлари институт ҳаётининг янада жонланишига олиб келди. Биз шу машғулотларни алоҳида факультетларда ҳам ўтказишга қарор қилдик. Машғулот материалларининг бевосита аудиторияларга ҳам кириб бориши учун барча чораларни, имкониятларни изляпмиз. Бу нарса барча фанлар ўқитувчилари зиммасига ҳам ғоят катта масъулиятларни юклайди. Чунки номлари қайд этиб ўтилган Ўрта Осиё мутафаккирлари қомусий билим соҳиби эдилар. Улар шуғулланмаган, фикр юритмаган фан соҳасининг ўзи йўқ эди. Биргина Берунийни олайлик у улуғ файласуф, шеършунос, диншунос эмас, балки география, биология, кимё, математика, астрономия каби фанлар соҳасида ҳам тенгсиз асарлар яратган олимдир. Бу хусусият бошқа мутафакирларимизга ҳам хосдир. Демак, барча фан ўқитувчилари уларнинг ҳаёт йўлини ва айниқса ўз фанларига оид илмий асарларини жиддий ўқиб, ўрганишлари, дарс жараёнида бу меросдан кенг фойдаланишлари зарур. Бу эса уларнинг дарслари самарадорлигини ошириш билан бирга талабаларни буюк мутафаккирлар ҳаёти, ижоди билан таништиради, улар ижодига, ҳаётига, қолаверса ўтмишига, ўтмиш авлодларига нисбатан қизиқишни оширади. Ўз аждодлари, ота-боболари билан фахрланиш туйғуларининг шаклланишига замин яратади.

Шуни айтиш керакки, Шарқ донишмандларининг барчаси ижоди учун хос бўлган бир ажойиб хусусият борки, бу илм-маърифатни улуғлаш, одамларни илм-маърифатли бўлишга ундашдан иборатдир. Шунингдек, таълим-тарбия, аҳлоқ масалалари ҳам улар ижодининг етакчи ва бош мавзусидир. Бу борада улар кўплаб махсус асарлар яратганлар. Ҳатто бошқа мавзуга бағишланган асарларида ҳам илм-маърифат, таълим-тарбия, ахлоқ, ҳақида ғоят ибратли илмий-назарий фикрларни баён этиб қолдирганлар. Аммо уларнинг бу тенгсиз фалсафий-ахлоқий педагогик мероси ҳали илмий жамоатчилик томонидан тўла ўрганилмаган. Бу ҳақда махсус асарлар, илмий-тадқиқот ишлари етарли даражада яратилмаган

Ҳозирги кун мустақиллик шароити ўрганишни, талабалар онгига сингдириш ва ўргатишни кун тартибига қатъий қўймоқда. Айниқса, «Педагогика тарихи»га оид дарслик ва қўлланмаларни қайта кўриб чиқиш, ислоҳ қилиш, зарур бўлса қайтадан, янгидан яратиш вақти келмадимикин. Чунки бизнинг «Педагогика тарихи» дарсликларимизда асосан ҳозирги мутафаккирларнинг ҳаёти ва ижоди, педагогик қарашлари ўқитилиб келинади. Ўрта Осиё мутафаккирларининг бой педагогик фикрлари ҳақида оғиз очилмайди. Энди бундай бирёқламаликка, тенгсизликка, камситишга тамоман барҳам бермоқ керак. Биз энди ҳозирги мутафаккирларнинг педагогик қарашларини эҳтиром билан ўрганган ҳолда, Шарқ мутафаккирлари меросига асосий эътиборни жалб этишимиз лозим. Чунки таълим-тарбиянинг умуминсоний ва миллий замини бўлади. Бизнинг таълим-тарбиямизнинг барча ришталари эса мана шу мутафаккирлар ижодиса бориб боғланади.

Миллий педагогикамизнинг назарияси ҳам, амалиёти ҳам улар томонидан аллақачон яратилган, асос солинган. Фақат биз бу назарияни чуқур ўрганишимиз, амалиётда дадил қўллай олишимиз керак. Шундагина биз ҳақиқий миллий педагогикани ва унга асосланган миллий мактабни бунёдга келтиришимиз мумкин. Бу эса яна бир улкан вазифани олдимизга кўндаланг қилиб қўяди. У ҳам бўлса Шарқ мутафаккирларининг педагогик меросини ,таълим-тарбия ҳақидаги таълимотларни, фалсафий-ахлоқий қарашларни чуқур ўрганиб, шу асосда дарслик, қўлланма ва дастурлар яратишдир. Бу қутлуғ ва хайрли ишга ҳозир институтимизнинг анчагина етакчи олимлари жалб этилган. Улар бу борада иш олиб бормоқдалар. Ўйлаймизки, яқин пайтларда бу ҳаракатлар ўз самарасини беради.

Энди бу ерда яна бир муҳим масала келиб чиқади. Биз Шарқ мутафаккирлари ижодини, илмий меросини ўрганиш, тадқиқ этиш билан бирга уни мактаб ўқувчиларига қандай ўргатиш, сингдириш йўлларини ҳам қидиришимиз, ранг-баранг йўллари ва услубиётини ҳам ишлаб чиқишимиз керак. Уларнинг асарларидан болаларбоп, айрим қисмларини ҳозирги ўзбек тилида содда, бадалий ҳолда қайта нашр эттиришимиз, дарсликларга киритишимиз ғоят зарурдир. Бу жиҳатдан филология фанлари доктори Боқижон Тўхлиев томонидан Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асарининг ҳозирги ўзбек тилига қилинган баёни диқатга сазовордир. Бу асар болалар дидига мос равишда ғоят содда ва бадиий қайта баён қилинган. Уни ўқиган ҳар қандай бола улуғ донишмандининг олтинга тенг ўгит ва панд насиҳатларини ёдлаб, унинг моҳиятини англаб етади. Бизга ҳозир худди шундай асарлар керак. Ибн Сино, Форобий, Беруний ва бошқа мутафаккирларнинг ҳам таълим-тарбияга оид асарларини худди шундай нашр этиш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, бу улуғ донишмандларнинг шахсияти, ҳаёти ва ижодига оид қизиқ ривоятларни, замондошларнинг хотира ва эсдаликларини ҳам нашр этиш керак. Чунки улуғ одамларнинг ҳаёти ҳам улуғ, ҳам ибратли бўлади. Шубҳасиз, уларнинг хислатларидан, инсоний фазилатларидан, илм-маърифатга бўлган чексиз ҳурмат ва эътиқодидан талабалар беҳад ибрат оладилар.

Биз бир нарсани эсдан чиқармаслигимиз керакки, бугунги талаба эртаги куннинг ўқитувчиси ,тарбиячиси, бир сўз билан айтганда, жамиятимизнинг ижтимоий фаол, маънавий комил кишиси бўлади. Ҳозирги жамиятимиз, мустақил Ўзбекистон давлати учун ана шундай кишилар сув билан ҳаводай зарур.

Ҳар қандай ишни бажариш оғиздагина осон.. Амалда эса бу жуда қийин кечади. Тоталитар тузумнинг аччиқ меваси ўлароқ ҳосил бўлган ижтимоий сусткашлик, Чингиз Айтматов ибораси билан айтганда, маънавий манқуртлик, қолаверса, ижтимоий-маънавий тараққиётдаги миллий заминдан узилиб қолиш ҳалигача ўз кучини кўрсатиб турибди. Ана шу кучлардан ҳоли бўлишда ҳам ўтмишдаги буюк мутафаккирларимиз яна ёрдамга келади. Шарқ уйғониш даврида инсон ақл заковатига, илм ва маърифатга алоҳида урғу берган мутафаккирлар ижоди талабалар кўз ўнгида турар экан, бундан ортиқ намунанинг бўлиши мумкин эмас. Эътибор беринг Абу Райҳон Беруний «Қадимий халқлардан қолган ёдгорликлар» асарини ёзар экан, кишилик жамиятида аҳлоқдан катта куч йўқ деб таъкидлайди. Ибн Сино эса инсон ўз ақли ва билими билан оламдаги энг чигил масалаларни ҳам ечишга куч, қудрат топа олади деб уқтириб ўтади. Уларнинг ижодини синчиклаб ўрганиш шуни кўрсатадики, хусусийлик ва умумийлик, миллийлик ва умуминсонийлик ниҳоятда уйғун ҳолда намоён бўлади. Уларнинг инсон маънавияти, инсон руҳияти, ақлий камолоти равнақи учун асосий замин бўлиб хизмат қиладиган тенгсиз меросини тўлалигича чуқур ўрганишимиз, ўзлаштиришимиз зарур бўлади.

Бу асарлар талабаларнинг илмий-назарий билимларини бойитиб қолмай, балки уларнинг маънавий дунёсини ҳам кенгайтиради, жуда кўп ахлоқий фазилатларни ўзлаштиришга имкон яратади. Айниқса, уларнинг ўз миллати ва ўзга миллатларга, тарихига, урфу-одатига бўлган муносабатларнинг ҳам беғараз, ҳалол ва объектив бўлишига кўмаклашади. Демакки, ҳақиқий байналмиллалик туйғусининг шаклланишига олиб келади. Чунки агар бу донишмандлар ижодига назар ташласангиз, уларнинг ҳеч бири ўз миллатини улуғлаб, бошқаларини ерга урган, ёки камситган эмаслар. Масалан, буюк Саъдий дунёдаги барча миллатга мансуб халқларни бир тананинг аъзолари, деб атайди. Агарда шу тананинг бир аъзосига озор етса бутун танага ва ундаги бошқа аъзоларига ҳам оғриқ киради,дейди шоир. Дўстлик, биродарлик ғоясининг бундан ортиқ шоирона талқини бўлмаса керак. Ёки Берунийни олайлик. У ўзининг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар», «Ҳиндистон» каби асарларида Ҳинд ва бошқа жуда кўплаб халқларнинг тарихи, урф-одати, миллий хусусияти, улар эътиқод қиладиган динлар хусусида қиёсий фикр юритади. Лекин ҳеч бир жойда бир халқни иккинчисидан, бир маданиятни иккинчи маданиятдан, бир динни бошқасидан устун қўйилмайди, бирини мақтаб, иккинчисини ерга урмайди. Ҳатто ўзи эътиқод қўйган, мансуб бўлган, кўпчилик диний китобларда энг улуғ дин деб баҳоланган ислом динини ҳам бошқа динлардан устун қўймайди. Унинг тарихига, келиб чиқишига бошқа динлар тарихи ва пайдо бўлишига қандай муносабат билдирган бўлса бунда ҳам худди шундай йўл тутади. Демак, биз халқлар, миллатлар, динларга бўлган муносабатни, ҳурмат ва иззатни ҳам худди шу зотлардан ўрганишимиз керак экан. Бу эса ҳозирги қалқиб турган, диний-миллий низолар авж олган замонамизда одамларни ҳушёр бўлишга, ўзга халқ ва ўзга динларга, миллий эътиқод ва урф-одатларга ҳурмат билан қарашга даъват этади. Бу донишмандлар ижодининг ҳамиша долзарблиги ва замонавийлиги ҳам, кучқудрати ҳам худди шундай ҳолатларда ўзини намоён этади.

Эндиги ҳамма гап ана шу умуминсоний ғоялар, қадимий-миллий қадриятлардан фойдаланишда қолди. Биз илмий-тадқиқот ишларимизни, айниқса миллий педагогика билан боғлиқ илмий ишларимизни ҳам шу йўналишга боғлаяпмиз. Бир неча номзодлик, докторлик диссертациялари устидаги ишлар жиддий тарзда олиб борилмоқда. Институтимиз олимлари Шарқ мутафаккирларининг ижтимоий-фалсафий, ахлоқий-таълимий, одобий-эстетик меросларини атрофлича ўрганишга алоҳида эътибор қаратиляпти. Уларнинг энг муҳим хулосалари эса аллақачон ҳаётга тадбиқ этиляпти. Бу ўринда ўзбек-қозоқ филологияси, тарих, жуғрофия-биология ва бошқа факультетларда бир қатор махсус курс ва махсус семинарларни эслаш мумкин.

Шарқ алломаларнинг таълим ва тарбияга доир фикрларини ўрганиш миллий мактаб муаммоларини ҳал этишга ҳам амалий ёрдам беражагини махсус таъкидлаш жоиз. Институтимизда миллий мактаб моҳияти ва унинг принципларини ўрганиш учун махсус лаборатория ташкил этилган.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, жумҳуриятимизда биринчи маротаба Шарқ мутафаккирларининг педагогик қарашларини изчил равишда ўрганишни кўзда тутувчи тажрибавий дастур ҳам ана шу лаборатория ва институтимизнинг умумий педагогика кафедралари ҳамкорлигида нашр этилди. Бу йўналишдаги ишларимиз ҳали давом этади.

Яқинда, аниқроғи, шу йилнинг 28 декабрида «Шарқнинг буюк мутафакирлари меросида таълим-тарбия масалалари »мавзусида илмий анжуман ўтказмоқчимиз.

Анжуманда «Мирзо Улуғбекнинг Шарқ илмий-педагогик тафаккури тараққиётидаги ўрни» (ЎзФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг бўлим бошлиғи, ЎзФАнинг мухбир аъзоси, тарих фанлари доктори, профессор Б. Аҳмедов), «Заҳириддин Муҳамад Бобурнинг тарихий қарашлари» (институтимиз қадимги дунё, ўрта асрлар тарихи ва ўлкашунослик кафедрасининг мудири, профессор А. С. Набиев) «Ўрта Осиё халқларининг педагогик мероси ва уни ўрганишнинг аҳамияти ҳақида» (ЎзФА академиги, фалсафа фанлари доктори, профессор М. Х. Хайруллаев) «Шарқ мутафаккирларининг психологик қарашлари ва уларнинг пединститутларда психология фанларини ўқитишни такомиллаштиришдаги аҳамияти (институтимиз умумпсихология кафедрасининг мудири, психология фанлари доктори, профессор М. Г. Давлетшин) ва бошқа маърузалар бор. Ўйлаймизки, бу анжуманнинг илмий-назарий ва амалий аҳамияти катта бўлади.

Хуллас, режалар кўп, мақсадлар катта. Бизнинг аҳил жамоамиз улкан режалар йўлидаги олижаноб мақсадларини амалга оширишда ҳар доим камарбастадир.

**Комил ЮСУПОВ,**
**Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти ректори, профессор.**

(Муаллифнинг илтимосига кўра мақоланинг қалам ҳақи газета фондига ўтказилди).

# Ч ИЛДИЗ

## ИУЛДОХУНБОБОЕВ НОМИДАГИ ХАЛҚЛАР ДУСТЛИГИ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ 60 ЕШГА ТУЛДИ

Пахта деҳқон фарзанди. Ҳосили — зар, рўзғорининг гултожи, қут-барака, кундалик ҳаёт мазмуни. Пахта шажараси диёримизда асрлар оша ижтимоийлик касб этган. Ҳамкорлик меваси, нондай азиз, ҳаёт манбаи, енгил саноатнинг хом ашёси!

Бу тушунчалар замирида уч илдиз мужассам. Уч тугал ҳақиқат: пахта, толиби илм ва дастгоҳ. Бу тушунчаларнинг ўз ботиний маънолари, манзил ва макони бор.— Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти аудиторияси ва лабораториялари! Институт толиби илмлари ва профессор —ўқитувчилари 60 йилдан бери пахтачилик саноати тараққиётига ихтисослашганлар.

Камина куз кунларидан бирида шу олий билим маскани раҳбарияти ва мутахассислар билан бўлган мулоқотда уларга бир қанча саволлар билан мурожаат қилгандим. Қуйида уларга берилган жавоблар билан танишасиз.

**МУХБИР:— Пахта халқ мулки, енгил саноатнинг «нони», қолаверса, Ўзбекистонимизнинг асосий бойликларидан бири. Уни то халқ учун зарур маҳсулотларга айлантиришда бир қанча жараёнлар кечади. Яъни, пахта тозалаш заводларида линтерлаш — тола олиш, чигитни туклардан ажратиш, енгил саноат корхоналарида қайта ишлаш, сайқаллаш дегандай, сўнг газламалар ишлаш корхоналарига жўнатилади. Сиз ва шогирдларингиз қўлларида тарбияланаётган талабалар пахтачилик бўйича енгил саноатнинг жиловкорлари бўлиб етишган ва етишмоқдалар. Ўтган 60 йиллик довон институтингиз тарихида қандай из қолдирди?**

**Ҳ. АЛИМОВА: — институт ректори, профессор:**

— XX асрнинг 30 йиллари, ўт-оловли давр эди. Бир томондан, илғор фикрли зиёлиларни қатағон қилиш, иккинчи томондан колхозлаштириш, учинчи томондан эса, республика қишлоқ хўжлиги ва саноатини тиклаш бошланганди. Бунинг учун маҳаллий кадрлардан иборат малакали мутахассислар тайёрлаш муҳим вазифа қилиб қўйилган эди. Айни пайтда республикада пахта етиштиришни кўпайтириш, уни қайта ишлаш билан боғлиқ бўлган енгил саноат корхоналарини кенгайтириш, уларни янги техника билан жиҳозлаш давр талаби. Шунга кўра Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Марғилон, Бухоро ва бошқа шаҳарларда ип-йигирув, тикувчилик, пиллакашлик ва тўқувчилик корхоналари қурилди. Уларни бошқариш учун маҳаллий мутахассислар, муҳандислар тайёрлашдек муҳим вазифа кўндаланг қўйилган эди.

1931 йили Ўрта Осиё пахтачилик ирригация-политехника институтидан тўқимачилик куллиёти алоҳида институт бўлиб ажралиб чиқди. У Ўрта Осиё механика-технология институти деб номланди. Орадан бир йил ўтгач, яъни 1932 йили Тошкент тўқимачилик институтига асос солинди. Ўша вақтдан бошлаб институтда пахтани қайта ишлаш, ип йигириш, тикувчилик, ипак технологияси бўйича мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилди. Институтнинг биринчи ректори Амин Раҳматуллаев олий масканни ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлашда жонбозлик кўрсатди. Давр оғир эди. Институтнинг кимё ўқитувчиси Саттор Жаббор сиёсат қурбони бўлди. Улуғ Ватан уруши йиллари кўпгина талаба ва малакали мутахассислар Ватан ҳимоясига кетди. Кўпчилиги жангдан қайтмадилар. Институтимиз юбилейи кунлари биз урушда ҳалок бўлган Т. Одилов, Е. Абрамянц, С. Бунимович. А. Персианов, В. Рихсиев, М. Бурлаков сингари педагогларимизнинг номларини ҳар доим фахр билан эслаймиз.

Ўтган давр мобайнида бир қанча янги факультет, кафедра ва бўлимлар ташкил топди. Жумладан, 1943 йили канопни қайта ишлаш, 1953 йили кимёвий толалар технологияси мутахассисликлари бўйича олган ёш инженерлар турли вилоятларда фаолият кўрсатмоқда. Айни талабаларга 23 мутахассислик бўйича ва таълим берямиз. Кундузги ва сиртқи бўлимларда 9000 га яқин талаба бор. Уларга 700 ўқитувчи, шу жумладан 27 фан доктори, профессор, 260 фан доцентлари ва доцентлар олий техника таълим юртидан талабалар онгини нурлантираётгани йили 800 талаба ҳаётга учирма қилинди. Улар енгил саноат корхоналари мурғ ва бошқармоқдалар.

Ўтган даврда институтимиз пахтакор республикамиз ҳамда Шарқий Европа, Осиё, Африка, Лотин Америкаси мамлакатларидан ўқиш учун келган 33 мингдан зиёд муҳандислларни тайёрлаб берди.

**М: — Ҳ. Алимовна, ҳозирги шароитда бозор иқтисодиёти ўз таъсирини ўтказмаётган соҳада Институт илмий-педагогик жамоаси ва талабаларни ижтимоий ҳимоялаш учун нималар қилинмоқда?**

Ҳ. А: — Илмий-педагогик жамоанинг бугунги ва эртаги куни, таълим ва тарбия тизимлари базани мустаҳкамлашга боғлиқ. Тажрибали билимларини институт ишлаб чиқариш участка ва цехларида мустаҳкамлаш. Бунинг учун лабораторияларни янги асбоб-ускуналар ва компьютерлар билан жиҳозлаш. Ҳўш, маблағни қаердан топиш керак? Профессор-ўқитувчилар таркиби ҳам, талабалар ҳам моддий ва маънавий ҳимояланишга муҳтож. Мактаб ва олий таълим тизимининг ҳаражатлари ойлик маошлари бир оз ошиб кетди. Шу жумладан талабалар стипендиялари ҳам. Бироқ булар эҳтиёжларни тўла қоплайдими? Негаки, барча нарсалар кун сайин қимматлашиб, нархлари ошиб бормоқда. Шунинг учун бозор сиёсати ҳар бир соҳани, жумладан илмий ташкилотни ҳам ишбилармон бўлишга даъват этмоқда. Биз ҳам шу йўлни танладик. Яъни, мутахассислар тайёрлаш шиддатли ва замонавий усулга кўчирилди. Ўқув-тарбия ишлари сифатини ошириш ва янгича ўқитиш услубий изланишларни ташкил этдик. Илмий-ёш ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган алоқаларни янада кучайтириш мақсадида республикамизнинг йирик саноат корхоналарида ихтисослик кафедраларининг бешта бўлимчасини ташкил қилдик. Унинг самараси беҳисоб. Талабаларнинг илмий-ижодий изланишларига эътиборни кучайтирдик. Техника илмий маркази, талабалар академияси, иқтисодий таҳлил бюроси, модуллар уларнинг хизматида. Кафедралар қошида 40 дан ортиқ фан-техника тўгаракларида икки минг нафардан ортиқ ижодий талаба ўқийди. 8 та кафедра ҳузурида ташкил этилган кичик корхоналарда талабалар ўз қобилиятларини синаб кўриш, ўз қўллари билан маҳсулотлар ишлаб чиқаришмоқда. Моддий манфаатдорлик бўлмоқда.

Бакалавр мутахассисларнинг моддий шароитини яхшилаш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасида ҳам анча ишлар амалга ошди. Моддий-маънавий ёрдам кўрсатиш кучайтирилди. Қобилиятли ёшларни аспирантура докторантура ҳамда чет элларда ўқитиш мақсадида «Истеъдод» жамғарма фонди тузилди. Йирик саноат корхоналари унинг ҳомийларидир. Жамғарма фондига тегишли маблағлар келиб тушмоқда. Бу каби маблағлар талабаларга бепул ва имтиёзли овқатлар ташкил этилди. Ошхоналар таъмирланди, миллий тарзда жиҳозлантирилди. Бунда ишчилар ёшлар учун 100 ўринли кафе ишлаб чиқарилди. Даволаш оромгоҳи, профилакторий қурилиши бошлаб юборилди.

**— Институтда олиб борилаётган илмий ишлар, янги ғоялар тизимлари ҳақидаги фикрларингиз?**

Ҳ. А: — Бу борада олимларимизнинг изланишлари чакки эмас. Пахтани қайта ишлаш машиналари яратиш, пахта тозалаш ва тўқимачилик корхоналарида узлуксиз линиядаги технологик жараёнлар бўйича айрим янгиликлар асослар яратилди. Бундан ташқари тўқимачилик ишлаб чиқариш техникаси ва технологияси кимёвий толаларни ишлаб чиқариш, тўқимачилик ва пахта тозалаш соҳасида экологик муҳитни ҳимоя қилиш сингари муаммолар олимларимиз эътиборида. Бу соҳада бир қатор янги ғоялар тизими амалиётга татбиқ этилди. Сўнгги беш йилда саноат корхоналари ва илмий текшириш институтлари буюртмалари бўйича 7 миллион сўмга яқин шартномавий ишлар бажарилди. Шунингдек, тугалланган илмий тадқиқотларни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш туфайли 16 миллион сўм фойда кўрилди.

Институтда илмий кенгаш мавжуд. Аспирант ва докторантларимиз янги-янги илмий ғоялар тизимлари бўйича тадқиқотларни ҳимояга тайёрламоқдалар.

**М: — Айтишларича, илмий ходимларингиздан бири линтер машинаси яратган экан, унинг моҳиятини сўзлаб берсангиз?**

Ҳ. А: — Ўринбосарим А. Абдуғаффоров сизни ёш ижодкор инженер Юсуфжон Маҳмудов билан таништиради. Ўзи билан гаплашиб тегишли маълумотлар оласиз.

**Юсуфжон МАҲМУДОВ, аспирант:** — Бизнинг кафедра олимлари асосан пахтачилик саноати машиналари ва аппаратларининг илмий-амалий масалалари билан шуғулланади.

Мен шу кафедрада аспирантман. Бир ярим йил давомида янги линтер камерасини яратиш ва унинг техникавий ечимлари устида бош қотиряпман. Ниҳоят, бу изланиш ниҳоясига етгандай бўлди. «КП-8» маркали линтерловчи машина яратилди. Уни Бектемир пахта тозалаш заводида синаб кўрдик.

Завод раҳбарлари ва инженер-техник ходимлари унинг ижобий натижаларидан мамнун. Пахта тозалаш заводларида олдин қўлланиб келинган, «ПМП-160» ва «5-ЛП» маркали линтер машиналаридан тубдан фарқ қилиши, электр қуввати ва ишчи кучини тежаши, ишлаб чиқариш қуввати юқори бўлиши лозимлиги аниқланди.

Демак, унинг самаралари беҳисоб экан. Мазкур илмий ишнинг техник ечимлари, илмий раҳбарларим, техника фанлари доктори Рясчеслав Карабельников ва техника фанлари номзоди Эльдор Нуралиев ҳамда кафедрамиз ижодий жамоасининг ютуғи бўлди.

Машина пахта тозалаш заводларида чигитдан линт толаларни ажратиб олишга мўлжалланган. Айни пайтда линт кимё саноатида кенг қўлланилади, уни қайта ишлаш натижасида бир қанча янги маҳсулотларни юзага келтириш мумкин. Жумладан, ҳар хил қоғоз, фотоплёнка, пластмасса, сунъий ипак, сунъий тери, нитролак, елим ва бошқа шунга ўхшаш материаллар фикримизнинг далилидир.

Биз яратган «КП-8» маркали янги линтер машинаси мазкур заводда бир меъёрда ишлатилса, бир йилда 15 миллион 835 минг сўм фойда олиниши техник ечимларда тўлиқ аниқланди.

Илмий изланишларимни яна давом эттираман, ота-боболаримиз айтганларидай, изланган топаверади.

**Л. АМЗАЕВ, механика-технология факультети декани, А. ҚАЮМОВ, шу факультет доценти:** — Факультетимиз илмий даргоҳ тенгдоши. Бу ерда дастлабки йиллари тола йигириш, ипак технологияси ва тикувчилик корхоналари учун муҳандислар тайёрланарди. Кейинчалик маҳсулот сифатига бўлган талаб ошиб борди. Институтимизнинг собиқ ректори, марҳум М. Ҳожинова ташаббуси билан яна «тўқимачилик материалшунослиги» кафедраси ташкил этилди.

Ўтган 60 йил давомида факультетимиз 7500 нафардан зиёд муҳандис-технолог етказиб берди. Уларнинг кўплари Мовароуннаҳр республикаларидан ташқари, Молдова, Украина, Кавказ орти жумҳуриятлари, Россия минтақалари, шунингдек, Шарқ мамлакатларидан келган ёшлардир.

Ўқув-тарбиявий ва услубий ишларни шакллаштиришда тўқимачилик саноатининг йирик олимлари, академиклар Х. Усмонхўжаев, М. Ҳожинова, профессорлар Ш. Марасулов, М. Муҳамедов, М. Рубинов, Э. Матмусаев, У. Бурнашев сингари олимларнинг ҳиссалари катта бўлди.

Бир қанча олимларимиз йирик тадқиқотлар ва қўлланмалар муаллифи. Куллиётимизда 1940 йилдан ҳозирга қадар 2000 дан ортиқ илмий рисола, ўқув-услубий ишлар, 7 та монография, 46 та дарслик, 242 та услубий қўлланма яратилиб, чоп этилди.

Бир қанча янги ғоялар тизими юзага келди. Пахта ва кимёвий толаларни йигиришда табиий ипак-технологияси кафедраси қошида тармоқ илмий тадқиқот тажрибахонаси фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда республикамиз учун жуда аҳамиятли бўлган пахта ва ипак толаси бўйича чиқиндисиз технологик йигиришнинг янги усулларини такомиллаштириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини ошириш муаммолари бўйича илмий-амалий тадқиқотлар қилинмоқда. Тажрибахоналар ишини йўналтиришда ректоримиз Ҳ. Алимова, кафедра мудирлари, профессорлар Р. Бурнашев, М. Муҳамедов, У. Матмусаевларнинг улушларини алоҳида таъкидлайман.

Талабаларни ҳам илмий ишга, ижодкорликка даъват этаяпмиз. Уларнинг кўпчилиги мустақил ҳамдўстлик давлатлари турдош олий масканларида ўз илмий маърузалари билан қатнашмоқдалар. Энг яхши маруза ва диплом ишлари учун ўтказилаётган танловда юқори ўринларни олишмоқда.

Талаба ижодкорлиги ва маънавият масаласи диққат эътиборимизда, 1988-89 ўқув йилидан бошлаб иқтидорли талабаларни танлаб олиб, уларни шахсий ўқув режаси асосида тайёрлаш йўлга қўйилди. «Пахта ва кимёвий толани йигириш», «Табиий ипак технологияси» кафедрасида 8 талаба диплом иши юқори баҳоланди. Улар аспирантурага қабул қилинди.

Бозор иқтисодиёти олий таълимни тубдан ўзгартиришни тақозо этади. Шунга кўра ёш мутахассислар тайёрлашнинг шакли ва йўналишини ўзгартирдик. Бир босқичда икки босқичли бакалавр (4 йиллик), магистрлик, (6 йил) тайёрлаш борасида чет эл тажрибаларини қўллаяпмиз. Янги босқичга ўтиш муносабати билан ўқув режаси, дарсликлар ўқув-услубий кўрсатмалар тайёрланмоқда.

**Мавлуда Абдуллаева,** институт хотин-қизлар қўмитаси раиси:

— Институтимизнинг ҳар бир факультетида хотин-қизлар қўмитаси мавжуд. Уларга 2650 нафар хотин-қиз уюшган. Шундан 2 мингга яқини талаба. Қолганлари олима, ўқитувчилар. Қўмиталарда мустақил Ўзбекистонимизнинг турмуш тарзидан келиб чиқиб янги дастурлар ишлаб чиқилди. Уларда талаба қизлар, эртанги муҳандис-инженерлар тарзи, маданият ва ахлоқ, кийиниш ва севгига садоқат, рўзғор ва ишлаб чиқаришни бошқариш сингари масалалар қамраб олинган.

Қизларимиз ўзлари танлаган мутахассисликлар бўйича билим олишлари билан бирга, бўлажак ҳаётлари учун ҳам замин яратувчи, ўз тақдирларини ўзлари белгилашлари шарт. Ота-боболаримизнинг қадимий удумларини тиклаш, қадриятларга садоқат туйғуларини тарбиялаш ҳамиша эътиборимизда. Ташкилотчи ва тадбиркор ректоримиз Ҳалима Алимова, Ойсара Умрзоқовалар бошқараётган «Одобнома» дарсларининг йўналишлари шу масалаларга қаратилган. Қизлар ётоқхоналарида турли мавзуларга бағишланган кечалар, баҳслар, кўрик-танловлар ўтказилмоқда. Ҳалима Худойбердиева, Гулчеҳра Нуруллаевалар билан бўлган учрашув, Нодирабегим таваллудининг 200 йиллигига бағишлаб ўтказилган «Балли, қизлар» кўрик-танлови катта тарбиявий аҳамият касб этди. Ётоқхоналарда қизлар клуби ҳам мавжуд. Унда режа асосида фан, маданият, дин арбоблари билан учрашувлар ўтказиш йўлга қўйилган.

**М: — Шогирдлари қалбида илму урфон чироғини ёққан, аммо оламдан ўтиб кетган устозлар хотирасини қутлуғ кунларда ёд этиш ҳам қарз, ҳам фарздир.**

**Э. ОЛИМБОЕВ, профессор, кафедра мудири:** — Йиллар оша ўтган кунларга назар ташлайман. Кўз ўнгимда буюк алломалар намоён бўлади. М. Ҳожинова, М. Ўразаев, З. Абдуллаев, В. Будников, И. Таблов, С. Азизқориев... Уларнинг ҳар бири 50-60 йиллар талабалари учун ўзгача бир дунё эдилар. Уларнинг порлоқ сиймолари менинг ҳаётимда ҳам сира ўчмас нурли излар қолдириб кетишди. Бунга шукроналар айтаман. Улар берган тарбия ва таълим бизни ҳаёт оқимига олиб кирди. Улар ёзиб қолдирган дарслик ва қўлланмалар йиллар оша биз ва талабалар онгида маёқ бўлиб нур сочмоқда. Демак, улар ҳамон сафимизда.

●

Ҳа, бободеҳқон йил-ўн икки ой ер қалбига қулоқ тутиб, ер билан тиллашади, экин етиштиради. Экинлари орасида пахта унинг энг ардоқли фарзанди. Яъни пахта етиштиришда деҳқон — академик, олим — пахташунос, дастгоҳ — унинг заргари. Толиби илмлар эса пахтани қайта ишлаш илмининг бўлажак инженерлари. Жумҳуриятимизнинг тўнғич олий билим юртларидан бири Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти илмий педагогик жамоаси 60 йилдан бери пахташунослик илмий кадрларини тайёрлашда донг таратди, таъбир жоиз бўлса пахтачилик илмида дунёга устозлик қилди, шундай бўлиб қолади.

**Ашур Али АҲМАД ўғли,**
**«Маърифат»нинг махсус мухбири.**

## ДЕФЕКТОЛОГ ЎҚИТУВЧИЛАР ЙИҒИЛИШИ

**Самарқанд шаҳрида кўзи ожиз болалар учун ихтисослаштирилган махсус мактаб-интернат фаолият кўрсатмоқда. Яқинда шу ўқув даргоҳида вилоят махсус мактаб-интернатларида фаолият кўрсатаётган дефектолог ўқитувчиларнинг йиғини бўлиб ўтди.**

**Йиғинда қатнашган 60 нафардан зиёд дефектолог ўқитувчи «Кўзойнак ёрдамида кўзнинг кўриш қувватини яхшилаш» ҳамда бошқа муҳим мавзулар юзасидан фикр алмашдилар. Муҳокама, мунозаралардан сўнг ижодкор ўқитувчиларнинг дарслари кузатилди ва таҳлил қилинди.**

**Куннинг иккинчи ярмида меҳмонлар мактаб-интернатнинг мажлислар залида ташкил этилган изланувчан ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ижодий фаолиятлари акс эттирилган кўргазмани ҳам қизиқиш билан томоша қилдилар.**

**Дефектолог ўқитувчиларнинг йиғинида Самарқанд вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари М. Рўзиқулов ҳамда Самарқанд вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институти мактаб-интернатлар кабинети мудири А. Камоловлар қатнашдилар.**

**З. БАҲРИЕВ,**
**ўз мухбиримиз.**

## ЁДГОРЛИК ЎРНАТИЛДИ

**Ўтган йили Қорақалпоғистон Республикасининг Ленинобод райони марказида 620 ўринли янги мактаб биноси ишга туширилиб, унга Қорақалпоғистон ва Ўзбкистон халқ шоири Тлеуберган Жумамуротов номи берилган эди.**

**Яқинда ана шу илм масканига халқ эъзозлаган ардоқли шоирнинг ёдгорлиқбюсти ўрнатилди. Ушбу маросимга бағишланган шодиёна — митингда Қорақалпоғистон ёзувчилар уюшмаси бошқарувининг раиси Т. Қайипберганов, Қорақалпоғистон рассомлар уюшмаси раиси Ж. Изентоев, шоир А. Сентжонов, ҳайкалтарош Қ. Бердимуротов, Ленинобод райони ҳокими Ж. Қайипназаров ва бошқалар иштирок этдилар.**

**Ғ. ЕҚУБОВ.**

## ТАЪТИЛДА МАОШ ҚАНДАЙ ТЎЛАНАДИ?

**САВОЛ: мен Нуробод районидаги 30-ўрта мактабда ўқитувчи бўлиб ишлайман. 1991 — 1992 ўқув йили учун меҳнат таътилига чиқдим. Айтинг-чи, меҳнат таътилига чиқишда иш ҳақи ўртача ойлик иш ҳақиданми ёки охирги иш ҳақи ҳисобидан бериладими?**

**И. ЙЎЛДОШЕВ.**
**Самарқанд вилоятн.**

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг 1992 йил 10 апрелдаги «Ўртача ойлик иш ҳақи ҳисоблаб чиқариш тўғрисида»ги хатида кўрсатилишича, ишчи ва хизматчиларнинг меҳнат ўқув таътилида бўлган вақти ва бошқа меҳнат алоқалари учун ишланган 12 ойда тўланган пуллар ҳисобидан ўртача иш ҳақи чиқариларди. Бунда ижтимоий суғурта пуллари қўшилган ҳолда ҳисобланиб, тариф ставкаси билан таътилга чиқиш олдидаги иш ҳақи фарқи ҳам қўшилган ҳолда ҳисобланар эди.

1992 йил 1 июлдан эътиборан республика бюджети ҳисобидан таъминланадиган вазирликлар, корхоналар, муассаса ва ташкилотлар хизматчиларининг иш ҳақи оширилганини ҳисобга олиб, меҳнат ва ўқув таътилида бўлган давр учун ҳақ тарификация йўли билан ёки мансаб окладларининг янгича ўрнатилган миқдорида белгиланади.

# МАҲАЛЛА ЗИЁЛИЛАРИ МАКТАБДА

Тадбиркор донолари бор юртнинг иши ўнгидан келади, дейишади. Дарҳақиқат, эртанги куннинг пойдеворини мустаҳкамлашда ҳамжиҳатлик, масалаҳат билан иш юритиш кони фойда эканлиги ҳеч кимга сир эмас.

Аҳмад Яссавий номидаги 203-ўрта мактабда уюштирилган зиёлилар давра суҳбатида шу ҳақда сўз юритилди. Катта Қаъни ва «Қизил Шарқ» маҳалласи зиёлиларининг давра суҳбатини мактаб директори К. Эгамбердиев қисқача ахборот билан бошлаб берди. Нотиқ таъкидлашича, кейинги йилларда таълим-тарбия самарадорлигини ошириш юзасидан анчагина ютуқларга эришилган. Педагогик жамоа райондаги 38 та мактаб орасида олдинги ўринлардан бирини эгаллаб келмоқда. Ўқитувчилар малакасини ошириш институти тингловчилари бу ерга тез-тез ташриф буюриб, муаллимларнинг дарсларини кузатишади.

Мактаб ўқувчилари шаҳар ва республика олимпиадаларида муваффақиятли қатнашиб келишмоқда.

Таълим тўғрисидаги Қонунни ҳаётга жорий этиш, ота-оналар жамоатчилиги билан ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш юзасидан мактабда муайян ишлар амалга оширилмоқда. Лекин ҳали ҳам ўз фарзандлари тарбиясига бефарқ қарайдиган ота-оналар бор. Бундай нуқсонларга барҳам бериш мақсадида Сизларни мактабга таклиф этдик, — деди Қ. Эгамбердиев.

Давра суҳбатига раислик қилган мактаб ота-оналар комитети раиси, профессор К. Назаров таълим-тарбия жамият иши эканлигини эслатиб, тарбиявий ишни замон талаблари даражасига кўтариш, ташаббускорликни ошириш, ўқитувчилар, ота-оналар таклифларини инобатга олиб таълим дастурларини ўзгартириш зарурлигини қайд этди.

Қадриятларимиз тикланмоқда. Ота-боболаримизнинг удумларини давом эттириб маҳалла ва мактаб ободончилигини яхшилаш борасида жиддий иш олиб бориш керак. Бунда маҳалла комитетлари фаоллик кўрсатадилар деб ишонамиз.

Ўқувчилар маънавиятини шакллантиришда Аҳмад Яссавий мероси муҳим аҳамият касб этмоқда. Яқинлашиб келаётган янги йилнинг бошларида навбатдаги — учинчи яссавийхонлик ўтказилади ва Туркистонга ўқувчи ва ўқитувчилар сафари уюштирилади. Шу билан Республикамизда ўтказиладиган Яссавий йили тадбирлари бошлаб берилади.

— Мактабда яхши дарс бераётган билимдон, тажрибали ўқитувчилар кўп. Лекин замон талабларидан орқада қолаётган, ўз билим савиясини оширишда оқсаб келаётганлар ҳам йўқ деб бўлмайди. Уларга талабчанликни ошириш зарур. Мактабга таниқли фан ва маданият арбобларини жалб этиш фойдалидир. Шунда маънавият янада юксалади, — деди «Қизил Шарқ» маҳалла комитети раиси, ёзувчи М. Мансуров.

229-мактабнинг олий тоифали ўқитувчиси А. Ҳайдаров ҳар бир ўқувчи, ҳар бир ўсмир маҳалла аҳли назарида бўлиши, мактаб ва маҳалла ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлаш ҳақида гапирди.

Меҳнат фахрийси, Зангиота район касаба уюшмаси масъул ходими Ғ. Дўсканаев ёшларни ота-боболар анъаналарига садоқат руҳида тарбиялаш хусусида сўз юритиб, тарбиявий соатларга олимлар, маданият арбоблари, ҳуқуқий идора вакилларини жалб этишни, зиёлилар давра суҳбатларига илғор ишчи, меҳнат фахрийларини ҳам таклиф қилиш истагини билдирди.

Катта Қаъни маҳалласи котиби А. Каримбеков тарбияси қийин болалар билан иш олиб боришга тўхталиб ўтди.

Давра суҳбатида мактабнинг кекса ўқитувчиси, Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси Э. Камолов, Зангиота районидаги «Наврўз» колхози агрономи С. Ғуломов, шифокор И. Раҳмонов, меҳнат фахрийси Ҳ. Фаттоҳов ва бошқалар мактабга камарбаста бўлиш савобли иш эканлигини айтиб, бу борада амалий ёрдам кўрсатишга тайёр эканликларини таъкидлашди.

Тошкент шаҳар Акмал Икромов районидаги мазкур мактаб педагогик жамоаси мустақил Ўзбекистоннинг муносиб фуқароларини тарбиялаш юзасидан хайрли ишларни амалга оширишга азму қарор қилган. Белгиланган режалар рўёбга чиқишига ишончимиз комил.

**М. ҒАФУРОВ.**

# ҚУТЛАЙМИЗ!

**Ҳамкасбимиз Мавжудахон ЮСУПОВА!**

Эллик беш ёшлик тўйингизга 35 йиллик педагогик фаолиятингиз эш бўлиб, қувончимизга қувонч қўшиб турибди. Шогирдларингизни бир-бир кўз олдимизга келтирсак нақадар шарафли касб соҳибаси, нақадар олижаноб инсон эканлигингиз аён бўлади. Уларнинг кўпчилиги сиз севган касб этагини тутишиб, ўқитувчилик қилишяпти.

Қадрли Мавжудахон Юсупова! Сизга сиҳат-саломатлик, онлавий қувонч, кўтаринки кайфият тилаймиз.

Шайхонтоҳур туманидаги 38-мактаб жамоаси.

---

**Ҳурматли Усмон Юсупович ЕНИКЕЕВ!**

Сиз ўз ҳаётингизнинг 41 йилини ёш авлод тарбиясига бахшида этдингиз. Ижодий изланишларингиз самараси ўлароқ республика XIII-педагогика ўқишлари совриндори бўлдингиз. Бугунги кунда Сиз раҳбарлик қилаётган ажойиб математика хонаси район мактабларн методика маркази вазифасини ўтамоқда.

Ишларнинг азиз мураббийси, фидойи ташкилотчи сифатида ҳам кўпчиликка ўрнак бўлиб келмоқдасиз.

Қадрли ҳамкасбимиз Усмон ака, Сизни муборак 60 ёшингиз билан қизғин қутлаб, узоқ умр, сиҳат-саломатлик, бахт-саодат тилаймиз.

Акмал Икромов туманидаги 287-мактаб жамоаси.

---

**Қадрли устоз Тўхтамурод МУТАЛОВ!**

Муаллим ҳақида сўзим ушбудир,
Муаллим камолот ичра кўзгудир.

Таниқли шоиримиз Абдулла Ориповнинг бу беназир сатрлари гўё сиз каби меҳрибон ва жонкуяр, моҳир ва билимдон мураббийлар ҳақида айтилгандек.

Сизни халқ таълимининг моҳир ва жонкуяр мураббийси тавалдуд тошган кунингиз билан самимий ва қизғин қутлаймиз!

Узоқ йиллик педагогик ва ташкилотчилик фаолиятингизда бутун куч-ғайратингизни халқимизнинг ўғил-қизлари юртимизга муносиб фарзандлар бўлиб ўсишларига сарфлаб келяпсиз. Умрингизнинг 60 фаслида ҳам жонкуяр сарбон сингари халқ хизматидасиз.

Энг бахтли кунингиз билан муборакбод этиб, Сизга узоқ-умр, тинчлик, хотиржамлик, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз.

Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги 156-ўрта мактаб жамоаси.

---

*ХОТИРА*

# ШОГИРДЛАР ДИЛИДА ЯШАЙВЕРАДИ

Ҳар соҳанинг ўз фидойилари бўлади. Бутун умрини мактаб-маориф тараққиётига бағишлаган Эминжон Қодиров таълим-тарбия соҳасида йирик ташкилотчи, забардаст олим, бир сўз билан айтганда, фидойи инсон эди. У киши халқ таълими вазири вазифасида ишлаган йилларда бу соҳа ҳар томонлама юксалганлиги ана шу фидойиликнинг меваси, эди, деб ҳеч иккиланмасдан айтишга бурчлимиз.

Тажрибали, билимдон муаллимларнинг ҳамда турли соҳадаги йирик олимларнинг ёрдами билан ўзбек ўқитувчиларининг чуқур билим олишларига қаратилган барча дастурларнинг янгитдан тузилишида катта ташаббус кўрсатган Эминжон Қодировнинг ташкилотчилиги натижасида янги дастурлар асосида 1-синфдан 10-синфгача ўзбек мактаблари ҳамма фанлардан дарсликлар билан тўлиқ таъмин қилинган эди. Эминжон Қодиров районма-район, мактабма-мактаб юриб, ўқитувчиларнинг дарсларига кириб, дарс ўтишларини, дарсликлардан қандай фойдаланиш методларини шахсан ўзлари кузатиб, текшириб борар эдилар.

Эминжон ака хотираси кучли эди. У жумҳуриятимиздаги деярли ҳамма ўқитувчиларнинг исми-фамилияси, қайси фандан дарс бериши, маҳорати ва камчиликларини эсда тутиб, ана шу ўқитувчиларнинг дасрларида бўлган тақдирда уларда бўлган ўзгаришларни, ўсиш ва ютуқларини алоҳида кўрсатиб, уларнинг кўнглини кўтариб қўяр эдилар. Эминжон аканинг ана шундай ажойиб хислатлари учун деярли ҳамма мактаб ўқитувчилари, уни чин дилдан яхши кўришар, чексиз ҳурмат билан «устоз» дердилар...

Пахта яккаҳокимлиги, партократлар ҳукмдорлиги даврида мактаб ўқувчилари, олий мактаб талабалари, профессор, ўқитувчилар пахта йиғим-теримида 2—3 ойлаб қолишга, тиззагача лойқорга ботишиб, далаларда пахта бўлмаса ҳам тупроқни ковлаб бир чигит пахтани излаб кун ўтказишга мажбур эдилар. Эминжон Қодиров мактаб болаларини, айниқса, бошланғич синф ўқувчиларини, баҳорда ёввойи ўтларни йўқотиш, ягана қилиш, шунингдек, сентябрдан декабргача далада бўлишиб, пахта териш ишларига сафарбар бўлишларига қарши эди. У ҳар доим: «Ҳар ким ўз ишини қилсин», деб кўп ҳаракат қилар, бундан мақсади болаларни ҳар хил касалликларга чалинишдан, ота-оналарни даҳшатли мусибатлардан ҳимоя қилиш эди. У ўзининг ақл-идрокини педагогик билим ва маҳоратини, қолаверса, бутун навқирон умрини ўзбек халқини маърифатли, маданиятли этишга, мактаб болаларининг пухта билим олишларига сарф қилди.

Э. Қодиров вазир бўлиш билан бир қаторда илмий фаолиятини ҳам тўхтатиб қўймади. Натижада, 1963 йилда педагогика фанлари номзоди деган илмий даражани олиш учун «Урушдан кейинги йилларда Ўзбекистон Республикасида мактаблар тараққиёти» мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлади. 1973 йилда эса «Туркистонда Халқ таълими тарихи ва тараққиёти» мавзусидаги докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Шу йили профессорлик унвонига сазовор бўлди.

Профессор Э. Қодиров томонидан йирик илмий асарлар яратилди. Жумладан, «Республика мактабларида ўзбек тили ўқитишнинг аҳволи ва уни яхшилаш тадбирлари», «Ўзбекистонда ўн йиллик умумий таълимга ўтишнинг баъзи актуал масалалари», «Ўзбекистон мактабларида таълим-тарбия ишлари», «Ўзбекистонда умумий таълимга ўтишнинг муҳим масалалари» каби асарлари шулар жумласидандир.

У уч юздан ортиқ илмий асар, рисолалар, илмий методик қўлланмалар, илмий мақолалар яратди, Ўзбекистон педагогика фани тараққиётига салмоқли ҳисса қўшди.

Заҳматкаш олим, моҳир педагог, давлат ва жамоат арбоби, собиқ Иттифоқ Педагогика фанлари академиясининг мухбир аъзоси, педагогика фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Эминжон Қодиров тўла маънода ўзбек халқининг содиқ фарзанди эди. Чин инсоний фазилатлари, ҳалол меҳнатлари билан ўзига нурамас ҳайкал ўрнатиб кетди, қайси ишда, қайси жойда ишламасин, вазифасини сидқидилдан уддалади. 14 йил давомида Халқ таълими вазирлигини маҳорат билан бошқарган Эминжон Қодиров ҳаёт бўлганларида ҳозир 75 ёшга тўлган бўлар эди...

Бугун устод жисман орамизда йўқ. Аммо юзлаб шогирдлари, маънавий мулк бўлиб қолган китоблари, фарзандлари тимсолида ҳамон барҳаётдир!

**О. АЗИЗОВ,**
Республикада хизмат кўрсатган фан арбоби, филология фанлари доктори, профессор.

**Э. ЧОРИЕВ,**
педагогика фанлари доктори, профессор.

---

МАКТАБГАЧА ТАРБИЯ МУАССАСАЛАРИДА

# ЮРАКЛАРНИ АЛЛАЛАР ОҲАНГ

Кун тиккага келган. Қуёшга ёндаш булутлар кумушранг товланади. Ҳаво гулларнинг анвойи бўйларига йўғрилган. Тиниқ яп-роқлар, ранг-баранг гулларга боқаркансан, баҳри дилинг очилади. Сайроқи қуш тинимсиз хониш қилмоқда.

Олис-олислардан ғижжакнинг дилўртар нолалари янграмоқда. Мусиқий наволар ҳар қандай ўткинчининг диққатини ўзига тортади.

Бу куй болалар боғчасида таралаётир. Боғчанинг номи ҳам файзу чиройига монанд — «Дилшод». Шод диллар, кичкинтойларнинг бийрон тиллари мусиқий оҳангларга жўр бўлиб, дилрабо қўшиқ бошлайдилар:

«Бойчечагим бойланди,
Қозон тўла айронди,
Айронингдан бермасанг,
Қозон-товоғинг
вайронди...».

Шоён қўшиқ, мусиқий наволаргина эмас, созанда бармоқларининг ғижжак торларидаги чаққон ҳаракатлари ҳам эътиборни ўзига оҳанграбодек тортади. Жовдираган қуралай кўзлар бу ҳаракатларга ҳавасмандлик билан боқади. Мусиқага ташна беғубор кўнгилларда иштиёқ ва ихлос гуллари ғунчалар тугаётгани аён сезилиб туради.

Сайдуллонинг ўзи ҳам бир пайтлар мусиқани ана шундай нозик ҳиссиётларга ғарқ бўлганча тингларди. Кейинчалик мурғак қалбидаги санъатга меҳр уни Шаҳрихон шаҳар мусиқа мактабига етаклади. 6-синфда ўқиш билан бир қаторда мусиқа мактабининг ғижжак бўлимида созандалик сир-асрорларини эгаллай бошлади. Таълимни Бўтақора қишлоғидаги Толибжон Содиқов номли мусиқа мактабининг ғижжак бўлимида давом эттирди. 1987 йилдан мазкур болалар боғчасига ишга келди. Қисқа фурсатда кўплаб мурғак қалбларда санъатга меҳру муҳаббат уйғотди, истеъдод чашмаларининг кўзини очди.

Ўтган йилги у эришган муваффақият кўпчиликда ҳавас уйғотди: болалар боғчаси халқ ижодиётига бағишланган танловда Шаҳрихон райони бўйича 1-ўринни эгаллади. Сайдулло Жўрабоевнинг заҳматли меҳнатларига юксак баҳо берилди. У Фахрий ёрлиқ билан тақдирланди. Боғчага эса магнитофон совғини берилди. Совриндорлар бу билан ёқтирган куй-қўшиқларини ёзиб олиш, қайта-қайта эшитиш, санъат сирларини эгаллашда фойдаланиш воситаларига эга бўлдилар.

Умуман, ўтган йил бу боғчада бошқа ходимлар фаолиятида ҳам анчагина ўзгаришлар бўлди. Масалан, Шаҳзодахон Ҳожиева 21 йилдан буён тарбиячилик касбини эъзозлаб келади. Унинг баракали меҳнатлари муносиб эъзозини олди. У «услубиятли тарбиячи» унвонини олди. Айни пайтда район халқ таълими ходимлари касаба уюшмасининг пул мукофоти билан рағбатлантирилди. Методист Саломатхон Мадаминова ҳам ана шундай унвонга сазовор бўлганлардан.

...Қуёш тиккага келди. Бу лаҳзада яна бир лавҳа ёдимга муҳрланди. Ҳозир кўп боғчалардан болаларнинг безиб қолгани сир эмас. Бироқ бу ерда эса...

**М. РАҲМОНОВ,**
Шаҳрихон районидаги 14-ўрта мактаб ўқитувчиси.

---

Театр залини тўлдириб ўтирган ўқувчиларнинг нигоҳи саҳнага қадалган. Томошабинлар ёвуз кучлар — девларнинг гуллар шаҳрини вайрон қилиш йўлидаги уринишларини пучга чиқарган қаҳрамонларнинг қувонч ва ташвишларига шерик бўлишди. Айниқса, ўз шаҳрини омон сақлаб қолган асар қаҳрамони Элмуродни қарсаклар билан олқишлашди.

Йўлдош Охунбобоев номидаги Республика ёш томошабинлар театрида куни кеча «Ҳаёт ярпоғи» эртак-спектакли премьераси бўлиб ўтди. Ёзувчи Р. Ёрнев томонидан яратилган асарни театр режиссёри Р. Обидов саҳналаштирган. Актёрлар ўзларига топшириллган ролларни катта маҳорат билан ижро этганликларининг гувоҳи бўлдик.

Республикамиз пойтахти мактаб ўқувчилари ва шаҳар меҳмонлари қишки таътил кунларида театр спектаклини томоша қилишлари мумкин.

СУРАТЛАРДА: «Ҳаёт ярпоғи» спектаклидан лавҳалар.

Суратқаш Р. АЛЬБЕКОВ.

# ФОНЕТИКАДАН ҚЎЛЛАНМА

Тошкентдаги «Таълим» нашриёти Ал-Хоразмий номидаги Урганч давлат университетида ўзбек тилшунослиги кафедрасининг доценти, педагогика фанлари номзоди Озод Ботировнинг муаллимлар институти ўзбек филологияси куллиёти талабалари ҳамда ўрта мактабларнинг она тили ўқитувчиларига мўлжалланган «Ўрта мактабда нутқ товушлари ва ҳарфларни ўқитиш усуллари» рисоласини чоп этди.

Ҳозиргача ўзбек тилини ўқитишнинг морфология, синтаксис бўлимлари бўйича анчагина методик адабиётлар ва қўлланмалар бўлса-да, фонетикани ўрганиш муаммоларига бағишланган адабиётлар кам эди. Рисолада ўзбек тили фонетика бўлими материалларининг ҳажми, ажратилган соатлар миқдори алоҳида тадқиқ қилинган. Муаллиф бешинчи синфда фонетика ва графика бўлими материалларини ўқитишга камида ўттиз соат вақт ажратишни таклиф қилади.

Она тили дарсларида грамматик терминлар ва атамалар устида ишлаш, уларнинг келиб чиқиши ва маъноларини тушунтириб бериш ўқувчилар нутқини бойитишда катта аҳамиятга эга. Шу жиҳатдан муаллифнинг «фонетика», «графика», «орфоэпия», «орфография», «алифбо» «алфавит» каби атамаларнинг маънолари ва келиб чиқишини ўқувчилар нутқида фаол ишлатилишини таъминловчи машқлари муҳимдир.

Олим нутқ товушлари ва ҳарфларни ўқитиш усуллари ҳамда машғулотларнинг ташкилий томонлари хусусида фикр юритар экан, уларнинг хилма-хиллиги, мазмуни, ҳажми, мураккаблик даражаси ва характерига ҳам батафсил тўхталади.

Шунингдек, рисолада фонетикани ўрганиш жараёнида ўқитишнинг хилма-хил воситалари, жумладан, карточкалар, тарқатма материаллар, турли хил жадваллар, чизмавий воситалардан ўринли фойдаланишнинг аҳамияти, уларнинг муаллим меҳнатини енгиллаштиришдаги ўрнига ҳам алоҳида эътибор берган.

Рисолани ўқиш жараёнида бир фикр туғилади. Менимча, рисола мавзуси «Ўрта мактабда» — дея жуда кенг олинган. Аслида унинг мазмуни 5-синф дастури ҳажми билан чекланган.

Мазкур рисола муаллимлар учун катта ёрдам бериши шубҳасиз.

**И. ҲОЖИЕВ,**
Ҳонқа районидаги Муқимий номли ўрта мактабнинг олий тоифали услубчи ўқитувчиси.

---

# СЎЗ ТАГИДА СЎЗ БОР

**Космонавт** — грекча космос — олам, навта — сузиш деган сўзлардан олинган бўлиб, сайёралар орасида учиб юрувчи сайёҳ деган маънони билдиради.

**Эсперанто** — халқаро ёрдамчи тил демак. Бу тил 1887 йилда Варшавада Л. Заменгоф (поляк тилчиси, шифокор) томонидан тузилган. Эсперантонинг графикаси лотин алифбосида бўлиб, орфография қоидаси эса фонетик талаб асосидадир. Сўз таркиби Европа тиллари учун умумий бўлган лексикага асосланган.

**Иқлим** сўзи юнонча «клима» сўзидан олинган бўлиб, ер юзасининг қуёш нурларига нисбатан қиялиги деган маънони билдиради. Шунга кўра, юнон олимларининг асарларида дунё 7 қисмга бўлинган ва ҳар бири «климат» деб аталган. Юнон олимларининг китоблари араб тилига таржима қилинганда «климат» сўзи ўрнига «иқлим» сўзи ишлатилади.

**Робот** сўзини 1921 йили атоқли чех ёзувчиси Карел Чапек ўйлаб топган эди. Бу ном «иш» сўзидан олинган бўлиб, ёзувчи ишлаб чиқаришда ишлатиладиган одамсимон шаклдаги аппаратларни шундай деб атаган эди.

**А. АЛИЕВ**
тайёрлаган.

---

*Мулоҳаза учун мавзу*

# ОШИҚНИНГ ТАЪБИ ЛАТИФ

Олдиндан айтиб қўяй, мен қуйида ўз мулоҳазаларимни бир журналист ҳамда собиқ маориф ходими сифатида баён этмоқчиман. Ўйлайманки, юқумли таносил касалликлари, жиноятчилик ўқувчи ёшлар орасида ҳам сезиларли ортган ҳозирги кунда чин маънодаги муҳаббат ҳақида бафуржа ва баралла мулоҳаза юритиш давр талаби бўлиб қолди. Мени қалам олишга ундаган яна бир нарса — пойтахт тери-таносил касалликлари шифохонаси ва Тошкент вилояти Зангиота тарбия — меҳнат (балоғатга етмаганлар учун кучайтирилган тартибдаги) колониясида кўрганларим ҳам бўлди.

Кейинги вақтларда қайси матбуот нашрини варақламанг, асосан сиёсий мавзулар, муаммою ўзгаришлар ёритиладиган бўлиб қолганди. Худога шукрки, эндиликда маънавий қадриятлар мавзусига ҳам кенг ўрин берилмоқда. Аммо ҳамон олий, инсоний туйғулардан бўлмиш МУҲАББАТ ҳақидаги чиқишлар оз. Ҳофизу Навоийни дунёга танитган, Пушкину Есенинни оҳ урдирган, Абдулла Орип, Эркин Воҳидовни куйлатган, ўзи кўҳна, аммо ҳар бир юрак уни янгиловчи туйғу бугунги кунга келиб анча пинхоний кайфият касб этиб қолди.

Мен бу билан қалам аҳлига таъна қилмоқчи эмасман. Ҳар қандай қалам кашнинг учта гапидан иккитасида севги мавзуси борлигига ишончим комил. Бироқ...

Ўзбек халқида «Онангни отангга бепардоз кўрсатма!» деган нақл бор. Лекин ошкоралик ниқоби остида беҳаё суратларнинг очиқдан-очиқ сотувга чиқарилганлиги, ибосиз кинотасмалар кўпайиб кетганлиги сексуал ҳаётнинг муҳаббатдан пок туйғудан устун келишига катта сабаб бўлди.

Шу йил бошида пойтахт тери-таносил касалликлари шифохонасида бўлдим. 14-17 ёшли қизлар, ҳали мўйлаби қораймаган ўспиринларни кўриб, даҳшатдан қотиб қолдим. Мен суҳбатлашган бу ёшларнинг ҳар тўрт нафаридан учтаси бу хасталикка видеофильм кўриб йўлиққанлигини айтди. Афсуски, уларнинг орасида ўзбек фарзандлари ҳам анчагина эди.

Ундан сал олдинроқ Тошкент вилоятидаги балоғатга етмаганлар учун мўлжалланган колонияда бўлганимда ҳам мусулмон қавмига мансуб ўспиринларнинг ичида номусга тажовуз қилиб, жиноятга қўл урганлари анчагина эканини кўрдим. Бу — фожиа!

Сўнгги маълумотларга кўра биргина Тошкент шаҳрида 1988 йилдан 1991 йилгача ўсмирлар орасида жиноят содир этиш 400 тага ортган. 1990 йил ўн бир ой ичида юзлаб жиноят содир этган ўсмирларнинг бир қисми 14—15 ёшлилар, яна маълум бир қисми эса 16—17 ёшлилар бўлиб, жиноятнинг 3,1 фоизида қотиллик, 19 та ҳолатда эса номусга тажовуз содир этилган.

Ўн — ўн беш нафар фарзанди бўлган ўзбекнинг хонадонида одобсиз, ахлоқсизи бўлмаган. Ҳозир эса 2 ёки 4-5 нафар фарзандли оилаларнинг аксари боласидан нотинч. Чунки тарбия носоз.

Ота-она айбни мактабга, мактаб эса ўз навбатида оилага ағдаради. Ҳар икки томон учрашганда, айбдор замон бўлиб чиқади.

Ҳақиқатга тик қаралса-чи? Бир ҳафта ўқишга келмаган ўқувчи ҳақида аксарият синф раҳбари ҳеч қандай маълумотга эга эмас, фақат справка — қоғоз сўрайди. Ота-оналарнинг кўпчилиги — ҳам мактаб маъмурияти билан доимий алоқада эмаслар.

Яна муҳаббат мавзусига қайтсак. Севиш, севилиш аслида мактаб ўқувчисига ҳам таниш. Фақат муҳаббат ҳақидаги тушунчаси тўла эмас. Унинг тушунчасини ижобий ривож топтириш тарбиячининг вазифаси эмасми?!. Тўғриси, кўчакуйда ҳеч кимдан тап тортмай, уялмай қучоқлашиб турганларни кўрсак индамаймиз. Аммо билиб-билмай ишқий хат ёзган ўқувчининг ёқасидан бўғамиз. Чин севги, вафо ҳақида маъруза қилишдан тортинамиз-у, 16 ёшли ўқувчи ҳомиладор бўлиб қолса, синф мажлислари, тарбиявий соатлар протоколларини рўкач қилиб: «Бизнинг айбимиз йўқ!» деб туриб оламиз.

Оилада-чи? Ҳатто ҳозирги ўзликни англаш даврида ҳам дуч келиш мумкин. Яъни, қизи сочини қирқса, замонавийликка бўйловчи, ўғли гапини икки қилса, «ҳозирги замоннинг боласи-да», дегувчи ота-оналар бор.

Тўғри, шу кунларда мактабларимизда «Одобнома» дарслари ўтилаяпти. Лекин уларнинг ҳаммасини ҳам кўнгилдагидек деб бўлмайди. Юқори синф ўқувчилари билан кўп мулоқотда бўламан. Аксарияти ё дарсдан, ё ўқитувчининг бераётган билимидан қониқмаётганлигини мисоллар билан изоҳлаб беришади. Бир сўз билан айтганда, муҳаббат мавзуси ҳамон мактаб, синфхоналар эшигидан киритилмаётир. Ҳақиқий севгини тушуниб етмагунча, қизларимиз бадном, ўғилларимиз жиноятчи бўлиб қоларади.

Зеро, «Муҳаббатсиз киши одам эмасдир!» деб Нодирабегим бежиз айтмаган.

Ушбуни ёзар эканман, бир лаҳза ўйга чўмдим:

Аждодларимиз ҳам севганлар, севилганлар. Муҳаббат туйғусига ўз муносабатларини билдиргандар. Ҳатто ишқ ҳақида ёш авлод учун қўлланма (панднома) битганлар. Дарҳақиқат, шундай битиклардан бирини Кайковуснинг «Қобуснома» асаридан топдим:

«Эй фарзанд, кишининг таъби латиф бўлмагунча ошиқ бўла олмайди. Чунки ишқ шубҳасиз таъби латифликдан пайдо бўлади... Ғализ таъб ва ялқов киши ҳеч қачон ошиқ бўлолмайди...»

Ўқувчилик йилларим кўз олдимдан ўтди. «Гаврош»ни, «Капитан қизи»ни беш-ўн дарс мобайнида қайта-қайта ўқитишган. «Лайли ва Мажнун»ни ярим дарсда, «Фарҳод ва Ширин»ни эса иккита дарсда «юмалоқ ёстиқ» қилиб юборганмиз. Шунда ҳам Фарҳоднинг Ширинга, Ширининг Фарҳодга бўлган пок муҳаббатини эмас, асосан байналмилал муносабатларини онгимизга қуйиб, ҳазрат Навоийнинг «бизнинг давр руҳида асар битганлик» ларини билиб олгандик.

Ўзимча ўйлайман: «Ҳеч бўлмаганда Мир Алишер шеъриятини, Фузулий байтларини, Зебунисою Нодирабегим ғазалиётини озгина сабр билан чуқуррок тушуниб олсак эди, балки бугунга келиб тирик етимлар, турли жойларда қолдирилиб кетилаётган гўдаклар, чимилдиқ кўрмай касаллик юқтираётган қизлару ўсмирлар сони бугунги даражада бизни даҳшатга солмаган бўлармиди?

Ҳозир таълим-тарбия масканларига янгича — ҳаққоний руҳият учун йўл очилди. Энди қолган гап фақат ўзимизда. Шундай эмасми, азиз педагоглар!..

**Дилмурод САИДОВ.**

---

(Газетанинг навбатдаги сони 30 декабрда чиқади).

**Бош муҳаррир**
**Саъдулла ҲАКИМ**

---

2-Тошкент давлат тиббиёт институти ректорати, касаба уюшмаси ва ижтимоий гуманитар кафедралари жамоаси соғлиқни сақлаш иқтисодий назарияси кафедра мудири, доцент **Маҳмуд ҲОМИДОВ** бевақт вафот этганлиги муносабати билан оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

---

Тошкент давлат педагогика институти ректорати, жамоат ташкилотлари ҳамда физика факультети жамоаси физика ўқитиш услубияти кафедрасининг аспиранти Абдурашид Авлиёқуловга онаси **Хурсан ая** вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

---

Таъсис этувчилар: Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Педагогика жамияти

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул секретарь — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-04-21, 52-35, нашриёт диспетчери — 32-78-94, нашриёт телефон станцияси навбатчиси — 33-90-50.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концернининг босмахонаси. Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Г-529. ИНДЕКС: 64595. Босишга топширилди вақти 20.00. Босишга топширилди. 20.00. Тираж 44761.